

Мамлакатимиз тараққиётининг қонуний асосларини мустақамлаш фаолиятимиз мезони бўлиши даркор

(Боши 1-бетда)

Кўряписки, бу соҳада муҳоама қилинадиган ва тегишли хулосалар чиқариш зарурати бўлган талайгина масалалар ётарли. Лекин, шунга қарамадан, Сенат томонидан 2005 йил иш режасида қўзда тутилган Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ҳисоботи 2006 йилга қўйилганини тушуниб бўлмайди.

2005 йил давомида Сенат қўмиталари бора-йўри иккита сайёр мажлис ўтказган. Мудрофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан Термиз шаҳрида ўтказилган мажлисда "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги қонуннинг, Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси томонидан Самарқанд шаҳрида ўтказилган мажлисда "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги қонуннинг ижроси муҳоама этилган, холос.

Учинчидан, Ўтган йили Сенат томонидан 24 та турли семинар, конференция ва давра суҳбати ташкил қилинган.

Афсуски, кўп ҳолларда бундай муҳоамалар жиддий тайёргарликсиз, қўрилган масала бўйича амалий тақлифлар беришга қодир бўлган олим ва мутахассисларни жалб этмасдан туриб ўтказилганини айтишга тўғри келади.

Кўпинча бундай тадбирларда муҳоама қилинаётган соҳалардаги муаммолар тўғрисида гапириш ўрнига олдиндан маълум бўлган мисол ва тақлифларни такорлашдан нарига ўтилмапти.

Оқибатда нима бўляпти? Бундай анжуманларда бир қарашда гоят долзарб мавзулар кўтарилади, лекин, афсуски, бу борада мавжуд муаммоларни ечиш бўйича амалий тақлифлар ўртага ташланмайди.

Энг ачинарли томони шундаки, кўп ҳолларда бундай семинар, конференция ва давра суҳбатлари қўлланган мақсадларга хизмат қилмапти, мамлакатимизнинг кенг жамоатчилиги эса улардан четда қолмоқда.

Маълумки, қонун ижодкорлиги билан шуғулланадиган идораларнинг фаолиятида бу борада муайян тартиб-

қоида қабул қилинган. Яъни, бундай муҳоама ва семинарлар фақат маълумот бериш, мавжуд фактларни қайд этиш билан чекланмаслиги, аксинча, бу муҳоамалар пировард натижада зарур қонунчилик тақлифларини тайёрлаш учун асос бўлиб хизмат қилиши даркор.

Тўртинчидан, Сенат назорат фаолиятининг самарадорлиги, парламент назоратининг таъсирчанлиги ҳали-бери паст даражада қолмоқда.

Юқори палата нафақат айрим қонун бўлиши ҳолатларини аниқлаши, балки қонун талабларининг бажарилмаслигига, қонун нормаларининг амал қилинмаётганига сабаб бўлаётган омилларнинг тағига етиши зарур.

Шунингдек, қонунчилигимиздаги, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш борасидаги бўлиш ва заиф нукталарни аниқлаш ҳам унинг муҳим вазифаси ҳисобланади.

Парламент назоратини режалаштириш ва амалга оширишда бу ишларни Қонунчилик палатаси билан мувофиқлаштиришга эътибор берилаётгани натижада назорат тадбирларини ўтказишда, худдики мусобақа қилгандек, бир-бирини такорлаш ва ортиқча куч сарф қилиш ҳолатлари рўй бермоқда.

Бешинчидан, Қонунларни қўриб чиқиш ва қабул қилиш жараёнида Олий Мажлиси палаталарининг ўзаро самарали ҳамкорлик қилиш механизмининг, аввало, қўйи ва юқори палаталарнинг тегишли қўмита ва тузилмалари ўртасидаги ўзаро муносабатларни такомиллаштириш зарур.

Олдимизда турган муҳим вазифа – ҳар икки палата бир-бирининг ишини такорламасдан, бир-бирини тўлдирган ҳолда, яхлит ва изчил тизим, бутун бошли бир қонунчилик органи сифатида фаолият кўрсатишини таъминлашдир.

Шу борада, яъни янги қонунларни яратиш ёки қонунларга ўзгартишлар қилиш жараёнида шунга яна бир бор таъкидлаб айтмоқчиманки, юқори палата томонидан бирон-бир қонуннинг

қайтарилиши, қонуннинг мазмун-моҳияти бўйича қелишу комиссиялари доирасида баҳс-мунозаралар олиб билиш қимгадир ғалати кўринмаслиги ва қимнингдир нафсониятга теғмаслиги керак.

Бундай ҳолатларни демократик парламентнинг соғлом фаолият шакли, қабул қилинаётган қонун ва қонун ҳужжатларининг сифати юқори бўлишини қафолатлайдиган муҳим омил, деб қабул қилишимиз зарур.

Юқорида зикр этилган вазиятларни бартараф этиш ва олдини олиш мақсадида палаталар ўртасида қелиб қолган баҳс ва мунозараларни иш тартибида ҳал этиш вазифаси юқлатилган Мувофиқлаштирувчи кенгаш тузиш ҳақида қандай қабул қилинган қарор ўзининг амалий натижаларини беради, деб ишонаман.

Хурматли Сенат аъзолари! Бугунги йилги ишларимизда Олий Мажлисининг юқори палатаси бўлиши Сенат фаолияти, унинг қисқа вақтда амалга оширган ишлари, эришилган натижалар, шу билан бирга, эътибордан четда қолган масалалар ва йўл қўйилган ҳато-камчиликлар ҳақида тўхталиб ўтар эканман, мен ўз олдимга Сенат ишига чўқур таҳлил асосида танқидий баҳо бериш мақсадини қўйганим йўқ.

Сенатнинг ўтган давр мобайнидаги фаолияти якунлари қўриб чиқиш масаласи ушбу яли мажлис кун тартибига қиритилганидан сизлар хабардорсиз.

Сиз, муҳтарам сенаторлар, бу масалани муҳоама этиш чоғида ўтган давр мобайнида қилинган ва ҳали-бери бажарилмаган ишларга ўзингиз атрофида чўқур баҳо беришингиз, сизларга ишонч билдирган саяловчиларнинг манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилишга қаратилган фаолиятингиз самарадорлигини ошириш йўлларини белгилаб олишингиз, ўйламанки, ҳар томонлама мақсада мувофиқ бўлади.

Азиз дўстлар!

Бугун биз мамлакатимиз ҳаётида қочираётган қандай жараёнларни, қайси соҳа ва тармоқни олмасангиз – марказда ёки узоқ-яқин шаҳар ва қишлоқларимизда бўладими,

корхона, ташкилот ёки ҳўжаларда бўладими – юртимизнинг барча жойларида мавжуд вазиятни бир сўз билан ифодалаш мумкин: ҳалқимиз, мамлакатимиз излашни, янгиликка интилиш, бунёдкорлик туйғуси билан яшамоқда.

Олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар натижа-сида юртдошларимизнинг олдида очилаётган янги имкониятлар уларнинг ўзи ва оиласининг бугунги, эртанги кунни учун катта умид ва ишонч тўдириб бермоқда.

2005 йилни қандай ижобий натижалар билан якунлаганимиз сизларга яхши маълум.

Айни пайтда 2006 йилда амалга оширилаётган мақсад ва вазифаларимизни аниқ белгилаб олганимиз ва шу йўлда белли маҳкам боғлаб, астойдил меҳнат қилаётганимиз ҳам, иншоолхў ўз ҳосили ва самарасини беради.

Айниқса, жойларда аҳоли-мизнинг қундалик ҳаёти билан ҳар томонлама боғлиқ муаммоларни ҳал этиш бўйича қилаётган ишларимиз – бу иктисодий масалаларни ечиш ёки тадбиркорлик, қишқик бизнес ва фермерлиқни ривожлантириш бўладими,

Кун тартибига мувофиқ юқори палата аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2005 йилдаги фаолияти якунлари ҳамда Сенат Кенгаши, қўмиталари ва комиссиялари иши таъсирчанлигини қучайтириш чора-тадбирлари ҳақидаги масалани қўриб чиқдилар. Ушбу масала бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг ўринбосари Ф.Муҳитдинованинг ахбороти тингланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2005 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисобот юқори палата томонидан атрофида муҳоама қилинганидан сўнг ушбу масала бўйича қарор тайёрлаш учун ишчи гуруҳи ташкил этилди.

Сенаторлар "Автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини муҳоама қилдилар ва маъқулладилар. Ушбу қонунда қўзда тутилган мақсад банкларнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, автоматлаштирилган банк тизимидаги ахборотни рухсатсиз олиш, нусха қўчириш ва автоматлаштирилган банк тизимидаги бошқа шаклларида аралашувдан муҳофаза қилишдан иборат. Махсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тартиб-таомилларини тартибга солишга, мажбурий тартибда сертификатлаштириш лозим бўлган махсулотлар ва хизмат турларини қамайтиришга қаратилган "Махсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тартиб-таомиллари соддалаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар қиритиш тўғрисида"ги қонун, шунингдек, истеъмол кредити берадиган ташкилотлар ва ўз фаолияти натижаларидан даромад оладиган ҳисомий шакслар ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солишни қўзда тутадиган "Истеъмол кредити тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонун маъқулланди.

Сенаторлар томонидан илгари Сенатнинг тўртинчи йлги мажлисида қайтарилган "Уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида"ги қонун қўриб чиқилди. Ушбу қонун бўйича юзага келган қелишмовчиликларни бартараф этиш учун қонуннинг ягона матнини ишлаб чиқиш мақсадида парламентнинг ҳар иккала палатаси аъзоларидан тенг асосда қелишу комиссияси тузилган эди. Мазкур қонун Сенат томонидан маъқулланди.

Бухоро боғларига фэйз қайтади

(Боши 1-бетда)

Оқибатини кўринг: бозорларимизда мева-чева қиммат. Бунинг устига аксарият қисми четдан келтирилган.

Отаҳоннинг гапларида жон бор. Узоққа бормайлик. Жилвон массивида етиштирилаётган узумнинг довриги ҳатто чет элларга бориб етган, "Жилвон" деган машҳур вино ҳам ишлаб чиқарилади. Жилвон массивидан атайин ток қўчати келтириб томорка-сига ўтказган қишлоқларини биламиз. "Ҳосили яхшию бироқ шираси Жилвоннинг узумидага эмас-да", деб қўйишганини ҳам эшитганмиз. Жилвон ўз номи билан Жилвон-да. Табиат уни айни узумчилик учун яратган эмасмикин, деб ўйлаб ҳам қоласан киши.

Бухоро туманидаги собиқ С.Едгоров номи ширкат ҳўжалигининг 162 гектар тоқзор ва 161 гектар мевозор боғлари ҳозиргача ижрачи ҳамда пудратчилар ихтиёрида эди. Ҳозир собиқ ширкат ҳўжалиги бўйича

лойиҳа тайёрланган. Айни дамда шу лойиҳаларга эғалик учун талабгорлардан аризалар қабул қилинапти. Қиммошди савдосига эса яқин қолди.

—Туманимизда 1104 гектар узумзор, 962 гектар мевозор бор, — дейди Бухоро туман қишлоқ ва сув ҳўжалиги бўлими бошлиғи К.Шарипов. —Бошқача айтганда, узумчилик ва мевачиликка ихтисослашган ширкат ҳўжалиқларининг иккитаси бизнинг туманимизда. Ҳозир шу ҳўжалиқлар бўйича тайёрланган лойиҳаларга асосан тоқзор ва мевозорларни уларнинг ҳақиқий эғаларига топишириш, шунингдек, махсулотларни сотиш манзиллари ва муддатлари аниқ кўрсатилган шартномалар тузаялмиз.

Маълумки, ер фермерларга ихтисослашуни камида 15 йил давомида ўзгартирмаслик шарти билан берилади. Бўлғуси фермерлар хабардор бўлишлари шарт яна бир қатор жиҳатлар бор. Масалан, шу йилнинг 15 апрелигача янги ташкил қилинадиган

фермер ҳўжалиқлари билан қайта ишлаш корхоналари ўртасида мевасабзаоват ва узум етказиб бериш тўғрисида шартномалар тузиш ва уларда ишлаб чиқаришни камида 30 фоизгача бўнак билан таъминлаш қоралари қўрилаётгани, тугатилаётган ширкатлар неғизда вукудга қалаётган боғдорчилик ва узумчилик фермер ҳўжалиқлари ягона ер солиғи тўлашдан беш йил муддатга, янги ташкил этилаётган агросаноат фирмаларини даромад, ер, мулк, қўшилган қиймат (импортга ҚҚСдан ташқари) ягона солиқлар тўлови тўлашдан 3 йил муддатга овоз этилиши юзасидан давлат солиқ инспекциялари томонидан кенг тушунириш — ташвиқот ишлари олиб борилимоқда. Барча йўналишдаги савй-ҳаракатлар ернинг ҳақиқий эғасини топишга қаратилмоқда. Токи, Бухоро боғларига ростмана фэйз кирсин.

Дилором ХАЛИМОВА,
Истам ИБРОҲИМОВ.

ТАНЛОВ:

Натижа ва қулосалар

Президентимизнинг "2006 йилда қишлоқ ҳўжалиги кооперативлари (ширкатлари)ни фермер ҳўжалиқларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида Наманганда ўтган тумандан 44 та ширкат ҳўжалиги неғизида 1990 та фермер ҳўжалиги ташкил этиш режалаштирилган эди. Бу борадаги ишларни бир сарҳисоб қиладиган, ғалайрини сувдан қутарадиган пайт ҳам қолди

Демак, мазкур қарор ижроси вилоятда қандай бўлди? Наманган туманидаги Охунбобоев номи, "Хонобод" ва "Ўзбекистон" ширкат ҳўжалиқларида қайта ташкил этиш комиссиялари фаол иш юритди. Натижада ҳар бир лойиҳага 4-6 тадан ариза тушди. Масалан, собиқ "Хонобод" ширкатига 363,7 гектар майдонга 110 киши талабгор бўлди. Бу ҳар бир лойиҳага ўртача олти киши тўғри қолди, деган гап.

Поп туманидаги аксарият ҳўжалиқларда янги фермерлар ўз мулкларини тасарруфи-

га қиритдилар. Ҳатто аҳоли нисбатан сирақ "Наврўз" ва "Навбахор" ширкатларида ҳам ерлар ўз эғасини топиб бўлди. "Чодак" да 97 та фермер ҳўжалиги ташкил этилиши режалаштирилганди. Амалий ишга қиритилган мулкдорлар сони ҳали кўп эмас. Тўғри, ушбу ҳўжалик қорвачиликка ихтисослашган, асосий майдонлар тоғда, аҳоли сирақ. Лекин ташвиш шундаки, баҳор қелиб қолди, йилнинг қандай бошлангани кузги сарҳисобни белгилайди-да.

Таъкидланган қарорга қўра, тугатилаётган ширкат-

лар ихтиёридаги 1264 гектар бог ва тоқзор қиммошди савдосида сотилиши белги-ланганди. 445 гектар бог ва тоқзор аукционга қўйилиб, ҳар бир гектар ўртача 1 миллион 324 минг сўмданга сотилди. Шу билан бирга но-чор аҳолига тушиб қолган боғлар арзонга кетди. Масалан, "Дўстлик" (Поп тумани) ширкатининг боғи 300 минг сўмданга сотилган. Бу кўрсаткич "Янгиқўрғон" (Янгиқўрғон тумани) ширкат ҳўжалигида 600 минг, "Гулбоғ" да (Мингбулоқ) 750 минг, "Қўқимбой" (Қосонсой)да 900 минг сўмни ташкил этди. Ваҳоланки, боғни боғдай сақлаган ўнга яқин ширкатда ҳар гектар мевозор 1,5-3, ҳатто 4-5 миллион сўмданга сотилди.

Мулк эғаси бўлган янги фермерлар дон ва пахта ҳосилини етказиб бериш

шартномаларини тузиб бўлишди. Собиқ ширкат ҳўжалиқлари худудида бар-ча техника, машина ва механизмация, ирригация-мелиорация иншоотлари тўлиқ хатланми, улар асосида 42 та муқобил МТП ва 42 та СФУ ташкил этиш ҳам нияосига етказилди. Шу-нингдек, минибанклар, зоо-ветхизмат, консалтинг шо-ҳобчалари очил бўйича белгиланган тадбирлар ҳам амалга ошириб бўлинди.

Шу билан бирга, нияосига етказиладиган ишлар ҳам анчагина. Қосонсой, Чортоқ ва Чуст туманларида фаолият кўрсатаётган қайта ташкил этиш комис-сиялари ишни тезроқ якунлашлари талаб қилина-ди.

Рустамжон УММАТОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" муҳбири.



Ироқда вазият оғир

Ироқнинг Самарра шаҳридаги Ал-Асқарий мақбара-сида амалга оширилган кўпурувчиликдан сўнг мамлакатда маъаблараро зиддиятлар қучайиб бормоқда.



Хабарларга қўра, Ироқнинг турли шаҳарларида шиа ва сунний маъабби вакиллари-нинг қуролли тўқнашувлари авж олиб кетган. Ўтган уч кун мобайнида ана шундай тўқнашувларда 200 дан зиёд тинч аҳоли вакиллари ҳалок бўлган. Басра шаҳридаги шиаларнинг яна бир зибратго-ҳида портлаш содир этилган. 20 га яқин масжидлар байрон қилинган. Шиаларнинг радикал уламоси Муқтадо ас-Садр ироқлиқларга мурожаат этар экан, бу ишларда фуқаролик урушини авж олдиришга уринаётган "қора қучлар"нинг қўли борлигини айтиб, ўзаро зуравонлиқларга чек қўйиш керак-лигини баён этди.

Очиқ денгиздаги фожиа

Индонезиянинг Сулавеси ороли яқинида йўловчи паром ҳалокатга учради.

Lady Fortune пароми Молуккс денгизида турган қучли довулда бошқаруви йўқотиб, маржон қояларига урилган. Унинг бортидаги 200 нафар йўловчининг тақдир ҳозирча номаълум. Қутқарувчилар очик денгизда бирор бир тирик жоннинг топилаётганини маълум қилишган. Индонезия сувйиқларида охириги бир ой мобайнида учта йўловчи кема ҳалокатга учраган.

Оммавий тартибсизлик

Афғонистоннинг Пул-и-Хархи асосий қамоқхона-сида 2000 дан зиёд маҳбустлар тартибсизликларни содир этишди.

Расмий маълумотларга қўра, 7 нафар маҳбуст ҳалок бўлган ва 40 га яқини тан жароҳати олган. Жанжал қўтарганлар-нинг аксариятини "Ал-Қоида" ва толибон ҳаракати аъзолари ташкил этади. Тартибсизликлар давомида маҳбустлар қамоқхо-нанинг бир неча қисмини эғал-лаб олишган. Айни дамда армия қўчлари мавжуд вазиятни бартараф этишга жалб қилинган.

Ҳамон беҳуш

Исроил бош вазири Ариэл Шарон 78 ёшга тўлди.



Бош вазир ўзининг тутилган қунини наватбддаги жарроҳлик амалиёти билан қарши олди. Мутахассислар Шароннинг айни дамдаги ҳолатини сал-бий баҳолашмоқда. Унинг со-ғайиб кетиши эҳтимоли қамайиб бормоқда. Шу йилнинг 4 яна-рида Қуддуснинг Хадасса гос-питалига оғир аҳволда кел-тирилган Исроил бош вазири ҳамон беҳуш ҳолатда ётибди.

Хавотирли хабарлар

"Паранда гриппи" Европаннинг Швейцария дав-латига ҳам етиб борди.

Маҳаллий ахборот воситала-рининг хабар қилишича, Же-нева қўли атропофарид ушбу касаллик вирусини билан ҳалок бўлган ёввойи ўрдақлар то-пилган. Хорватиянинг жануби-даги Сплит қўриқхонасида ҳам оқушларнинг "паранда грип-пи" қурбони бўлгани айтил-моқда. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти мутахас-сислари бу касалликнинг жуда тез фурсатда тарқалаётгани-дан хавотир билдиришмоқда.

"Москвога ишонинг"

Италия бош вазири Силвио Берлусконни АҚШ ва Европан Москва – ХАМАС музокараларини қўллаб-қувватлашга қачирмоқда.



"Фаластин парламент сая-ловларида қўлиб бўлган ХАМАС ташкилотининг Россия билан музокара олиб бориши муам-молар ечимига йўл очини мум-кин", дейди Берлусконни. Шу вақтга қадар Европа давлатла-ридан фақат Франция ХАМАС делегациясининг Москвога ташрифини қўллаб-қувватла-шини маълум қилган эди.

Амалга ошмаган тўнтариш

Филиппин президенти Глория Арройо давлат тўнта-ришини уюштиришга уринганларга қаттиқ чора қўри-лишини маълум қилмоқда.

Бундан тўрт кун аввал Филиппинда бўлиб ўтган байрам тан-таналарида мамлакат мудрофаа қўчларининг бир неча қўмондон-лари бошчилигида сунъий жан-жаллар уюштирилиб, давлат тўнтариши содир этишга ури-нишлар бўлган эди. Тартибсиз-ликларнинг ўз вақтида олди олинган. 20 га яқин ҳарбий аъёнлар қўлга олинган. Айрим ма-ҳаллий телеканаллар фаолияти қаттиқ назорат қилинмоқда.

INTERNET хабарлари асосида Ш.САНАЕВ тайёрлади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2006 йил 28 февралдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисо-би, статистик ва бошқа ҳисоботлари юритиш, шунингдек, бож-хона ва бошқа мажбурий тўловлари учун қорихий валюталар-нинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:

1 Австралия доллари	886,24	1 Польша злотийси	378,31
1 Англия фунт стерлинги	2093,34	1 СДР	1723,25
1 Дания кронаси	190,96	1 Туркия лираси	911,66
1 БАА дирахими	326,83	1 Швейцария франки	910,69
1 АҚШ доллари	1200,38	1 ЕВРО	1424,01
1 Миср фунти	209,67	10 Жанубий Корея вон	12,40
1 Исландия кронаси	18,06	10 Япония иенаси	103,53
1 Канада доллари	1045,08	1 Россия рубли	42,63
1 Хитой юани	149,12	1 Украина гривнаси	237,70
1 Малайзия рингити	323,29		

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарини ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.



Мулкдорлар мададкори

(Боши 1-бетда)

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 августдаги 348-сонли қарори, "Пахта Банк" бошқаруви томонидан тасдиқланган ҳужжатга кўра Осиё Тараққиёт банки кредит линияси бўйича фермер хўжаликлариغا қишлоқ хўжалиги техникаси ва эҳтиёт қисмлар сотиб олиш учун 2005 йил давомида 764,7 миллион сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Бундан ташқари, шу мақсадлар учун бюджетдан ташқари фондлар ҳисобидан 584,1 миллион сўм ажратилди. Миқозларга қўлайликлар яратиш, хизмат турларини кўпайтириш борасида Богот, Янгибозор, Янгиариқ, Қўшқўпир туманларида ибратли ишлар амалга оширилмоқда.


Қўшқўпир туман бўлимида янги техника ва эҳтиёт қисмлар сотиб олиш учун 10 та фермер хўжалигига қарийб 80 миллион сўм кредит ажратилди. Мулкдорларга бераётган кўмагини улар ишидаги олға силжишларда ўз аксини топмоқда. "Замира-Дилдора" фермер хўжалиги берган 3 миллион сўм кредитимизга ЮМЗ-6 русумли трактор сотиб олиб, ўтган йили 14,5 миллион сўмлик маҳсулот етказиб берди. Гурлан туманидаги Еримат Каримов бошлиқ "Ганч" фермер

хўжалиги ҳам ишончли ҳамкорларимиздан. 2005 йили 50 миллион сўм кредит олиб, шу маблаг ҳисобидан "Клаас" дон янчиш комбайни, лизингга BT-150 трактори ва "Алтай" Т-4 тракторлари сотиб олди. Мададимиздан куч олаётган ушбу фермер хўжалиги ўтган йили 300 тоннадан зиёд пахта, 135 тонна бугдой сотди. Қўрилган соф фойда 31 миллион сўмдан ошиб кетди. Амалдаги йилда "Ганч" фермер хўжалиги аъзолари янада юқори ҳосил олишга бел боғлашган.

"Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган



ри томонидан кредитлаш тартиби тўғрисидаги Низомга асосан, банкимизнинг турман бўлимлари томонидан тайёрлов корхоналари билан давлат эҳтиёжлари учун ха-



пахта ва галла етиштириш харажатларини тижорат банкла-

рида қилинадиган пахта, галла етиштириш бўйича кон-

тракция шартномаси тузган қишлоқ хўжалиги корхоналарига мунтазам равишда имтиёзли кредитлар ажратилиб келинмоқда. 2006 йил январ, феврал ойларида пахта ва бугдой ҳосилини етиштириш учун қарийб 4 миллиард сўм кредит ажратилиб, мақсадли ишлатилиши таъминланди.

Иқтисодимизнинг бақувват бўлиши кўп жиҳатдан фермерлар фаолиятига боғлиқ. Шунинг учун биз ҳам уларга қўлайлик яратишга интилаямиз. Президентимизнинг 2005 йил 8 ноябрдаги 215-сонли ҳамда 2006 йил 11 январдаги 255-сонли қарорлари ва бошқа ҳужжатларга асосан туман бўлимлари таркибидан 73 та минибанк ташкил қилинди. Бу ҳам қишлоқчиларимизда шаклланаётган мулкдорлар синфи оғирини енгил, ўзгирини яқин қилишда муҳим омил бўлмоқда. Уларнинг янада унумлироқ меҳнат қилиши, мўл ва сифатли маҳсулот етиштириш борасидаги имкониятларини оширмоқда. Шунинг билан бир қаторда аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилишга эътибор қаратганимиз натижасида банкнинг вилоят бошқармаси бўйича омонатлар қолдиғи 2780,2 миллион сўмни ташкил қилмоқда. Банкнинг аҳоли ўртасидаги нуфузи ошиб бораётганини куйидаги далил ҳам тасдиқлайди. Яъни, омонатчилар 33379 нафар кишини ташкил қилмоқда. "Пахта Банк"нинг Хоразм вилояти бошқармаси ва унинг туман бўлимлари ходимлари миқозларга намунали хизмат кўрсатиш учун ўзларининг билим ва тажрибаларини ишга солаверадилар.

Холмурод ҚУРБОНОВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

Хабарлар

Олов — офатдир

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабининг мажлислар залида "Ўта муҳим ва тоифаланган масканлар хавфсизлигини таъминлаш барқарор ишлашининг асосий омиллари" мавзусида семинар-кенгаш ўтказилди.

Тадбирни ўтказишдан мақсад республикамиздаги шундай тоифага кирувчи корхона ва масканлар вакиллари билан ҳамкорликни кучайтириш, ёнғин хавфсизлигини барқарор этишда энг замонавий техника, ускуна ва бошқа воситалардан фойдаланишни йўлга қўйиш муаммолари ечимини топишга қаратилган.

Семинар-кенгашда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишларда эришилган ютуқларга, мавжуд муаммоларга доир маърузалар тингланди, фикр-мулоҳазалар айtilди.

Тадбирда ИИБ ходимлари, республикамиздаги ўта муҳим ва тоифаланган корхона ва масканларнинг масъул ходимлари иштирок этишди.

Ўз мухбиримиз

Кун тартибиде—табиат муҳофазаси

Халқаро бизнес марказида Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитасининг 2005 йил якуни ва 2006 йил вазифаларига бағишланган ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда соҳа мутахассислари қўмитанинг вилоят бошқарма ва туман бўлим раҳбарлари, "Экосан" халқаро ташкилоти раиси, Олий Махлиси Қонунчилик палатаси ва Сенат аъзолари қатнашди.

Йиғилишда Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитасининг раиси Б.Алихонов қўмита томонидан ўтган йили қилинган ишлар ҳисоботини тақдим этди.

Бобур МУХАММАДИЕВ

Биз ҳўқоя қилмоқчи бўлган бу корхона Қорақалпоғистоннинг шимолий ҳудудида қўрилган дастлабки пахта тозалаш заводи ҳисобланади. У 1931 йили фойдаланишга топширилган. Шу кўнларда ҳиссадорлик жамияти сифатида фаолият кўрсатаётган "Чимбой момиги"нинг 75 йиллигини муносиб қарши олиш учун пахта тайёргарлик қўрилмоқда.

Ишчи-хизматчиларимиз санани қўноварли ютуқлар билан кўтиб олиши ҳозирданок кўзга яққол ташланиб қолди, - дейди "Чимбой момиги" ҳиссадорлик жамияти тайёрлов бўлими бошлиғи Марат Назаримбетов. Кейинги йиллар биз учун анчагина ривожланиш даври бўлди. Асосий хомашё - пахта топириш кескин кўпайди. Жами 461 нафар ҳиссадорларимизнинг савй-харажатлари билан мавжуд 4 та бригададада ишлаб чиқариш суръати оширилиб, сифат яхшиланди. Масалан, ўтган йили Тахтакўпир, Қораўзақ ва Чим-

дек, 5067 тонна чигит ҳам қайта ишловчи корхоналар томонидан "Юқори сифатлилик"и учун" тамғаси билан қабул қилинди. Бундай яхши натижаларнинг қўлга киритилишига олесарлардан Шинибой Қалимагамбетов, Жамғирбой Арисов, операторлар Пердөбой Бектурсунов, Давлетбой Еспаков, электрпайвандловчи Турсунбой Сейитмуродов, тайёрлов цехи ишчилари Зайда Қалимбетова, Қизларул Бекбоулиевалар катта ҳисса қўйишди, бошқаларга ўрнак бўлишмоқда. Корхона об-рўсини янада баландроқ кўтаришда фидойилик кўрсатганлар сафидо бора кенгаймоқда.

Мана, Орлобўйи ҳудудига ҳам фаслар маликаси - баҳорнинг илк шабада-си кириб келди. Яшариш ва янги-ланиш фаслида корхона жамоасининг режалари қандай? Биз шу савол билан "Чимбой момиги" ҳиссадорлик жамияти

"Чимбой момиги"
сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича ўтган йил якунларига кўра "Қорақалпоқпакхасаноат" ҳудудий ҳиссадорлик бирлашмаси тизимидаги турдош корхоналар орасида биринчи ўринни эгаллади. Дастлабки даврда 9489 тонна пахта тозаланиб, ундан 3236 тонна тола олинди.

Суръат юқори, сифат кафолатли

бой туманларидан 23611 тонна пахта қабул қилиб, шундан ҳозиргача 9,5 минг тоннага яқини қайта ишланди. Махсулотимизнинг 96,3 фоизи энг юқори сифатли бўлиб, бюртмачиларга ўз вақтида жўнатилади. Сифатлиликнинг дастлабки омил - корхонанинг қисқа технология асосида самарали ишлаётгани бўлса, иккинчидан, барча жамият аъзоларига етарли шарафитлар кратиб берилаётганидир. Ишловчиларга хар суткада 3 марта иссиқ овқат тайёрланади. Улар махсус кийим-кечаклар билан таъминланган. Корхонамизда илгари меҳнат қилиб пенсияга чиқиб кетган нуруий онахонлар отахонларимизнинг иззат-хурмати доимо жойига қўйлади. Уларнинг ҳол-ахволларидан тез-тез хабар олиб, моддий қўмақлар бериб боришмоқда. Бундай ишларни кўнгилдагидек амалга ошириш учун имкониятлар бор. Ўтган йилини 80 миллион сўм соф фойда билан якунлаганимиз корхонанинг иқтисодий жиҳатдан анча бақувват бўлишини таъминлади...

Дарҳақиқат, "Чимбой момиги" сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича ўтган йил якунларига кўра "Қорақалпоқпакхасаноат" ҳудудий ҳиссадорлик бирлашмаси тизимидаги турдош корхоналар орасида биринчи ўринни эгаллади. Дастлабки даврда 9489 тонна пахта тозаланиб, ундан 3236 тонна тола олинди. Тола чиқиши режадаги 33,9 фоиз ўрнига 34,1 фоизни ташкил қилди. Шунинг-

раиси Жарилқасин Бердимуродовга мурожаат қилдик.

Эришилган ютуқлар ўзимизники, аммо фойдаланилмаётган имкониятлар ҳам талайгина. Вазифа - ютуқларни янада кўпайтириш, бюртмачиларга фақат юқори сифатли маҳсулот етказиб беришдан иборатдир, - дея сўзхатни бошлади у киши. - Булар, албатта, баҳарлидир. Техникалар, ас-

боб-ускуналар соз. Ўзлуксиз ишлаб турибди. Хомашё етарли. Энг муҳими, тажрибали, ишнинг қўзини биладиган, масъулиятни чуқур ҳис қиладиган ишчиларимиз, мутахассисларимиз бор. 2006 йилни яхши бошладик. Пахтакорлар билан 16975 тонна қимматбаҳо хомашёни қабул қилиб олиш, сақлаш, қайта ишлаш юзасидан шартномалар имзоланди. Экиш мавсуми олдиндан 600 тонна урулгич чигит тайёрлаб қўйилди. Қўноварлиси шундаки, бу йил Мўйноқ туманидаги "Қозоқдарё" хўжалиги биринчи марта чигит экади. Биз билан шартнома имзолаган Тахтакўпир, Қораўзақ, Чимбой туманлари фермер ва ширкат хўжаликлари ҳам амалдаги йил катта хирмони учун баҳорги қишлоқли ишларини уюшқоқлик билан ўтказишмоқда. Насиб қилса, пахтакорлар ва пахта ни қайта ишловчиларнинг "Ҳомийлар ва шифокорлар йили"даги қўзлаган режалари уйдаланиб, эл-орт олдида озолари ёру бўлади.

Абдурахмон ИСКАНДАРОВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

Қишлоқ савдо корхоналари раҳбарлари ва хусусий тадбиркорлар учун алоҳида!!!

МЧҚ "BIRJA SERVIS TA'MINOT" тақлиф қилади:
Электродвигателлар 0,5 дан 55 кВт гача 1000-1500-3000 об/мин
Троллар; кўтариш механизмлари учун қанатлар
Насослар тип вакуум; химия; кансал; центробеж; фекал; гритов; пекаж; динамик; вертикал; тип; К; КМ; ЦН; Ф; ФГ; СМ; Д; Х; ХП; АХП; ВК; ВКС; СЗ; ЦН; Грат
Задвижкилар ва вентилятор Ф 15 дан Ф 5000; РУ 10 дан РУ 64 гача
Кабеллар ВВГ; АВВГ; КГ; ТПП
Симлар ПВ; АПВ; ПУП; ПУПН; ППБН; АППБН
Еритгичлар ЛПО; ЛСП; ЛПО; НСП; НПП; РКУ; ПВЛМ; ПВЛП
Лампалар КГ; ЛОН; ЛД; МО; ДРЛ; махсус лампалар
Автоматлар тип А; АЕ; АП; ВА
Автомат пружинли катталик 0 дан 6 гача; РЕЛЕ
Вентиляторлар ВО; ВЦ
Темир линейкалар 30 мм дан 1000 мм гача
Штангенциркулар 125 мм дан 1000 мм гача
Микрометрлар 0-25 дан 175-200 гача
Транспортер ленталар (капронли, армир.) 65 дан 1200 мм гача, 3-5 қаватли
БЮРТМА УЧУН ХАМ ИШЛАЙМИЗ.

Факс: 148-08-17

Тел: 148-08-17; 300-54-53; 128-98-93; 128-44-09; 330-60-85

В соответствии с Постановлением Центра по координации и контролю за функционированием рынка ценных бумаг за №1127-1 от 18.04.2005 г. физическое лицо Садыхов Яшин Салимович раскрывает информацию о намерении приобрести 13 500 (Тринадцать тысяч пятьсот) штук простых именных наличных и безналичных акций ОАО "Кубейдан химиялаш буюмлар заводи" г.Ташкент расположенного по адресу: г.Ташкент, массив Сергели-3, ул.А.Ахматовой, что составляет 22,34% от уставного фонда.

Ирригация, мелиорация ва сув хўжалиги соҳасидаги мутахассислар, олимлар, профессор-ўқитувчилар, докторантлар, аспирантлар ва магистрантлар ДИҚҚАТИГА!

Тошкент ирригация ва мелиорация институти етакчи профессор-ўқитувчилари томонидан "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" доирасида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2004 йил 26 мартдаги 79-сонли буйруғига асосан очик лекциялар ўқатиш тўғрисида

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

№	Маърузачининг фамилияси, исм-шарифи, илмий даражаси ва уювони	Маъруза мавзуси	Сана	Кафедра номи	Ўқув корпуси, аудиторияси, вақти	Маъруза тили
1	Сулаймонова Мунира Холиқовна, катта ўқитувчи	“Ергеодезкадастр” Давлат қўмитасининг таркиб ва вазифалари	1 март 2006 й	Ер тузиш ва ер муносабатлари	Б-339 8.30	Давлат тилида
2	Имомов Шавкат Жаҳонович, т.ф.н., доцент	Епик дренажларни қуришда ишлатиладиган машиналар	4 март 2006 й	Гидромелиоратив ишларни механизациялаш	В-317 8.30	Давлат тилида
3	Абдуразоқов Абдулла Тошпулатович, доцент	Табийий яйловлар ва пичанзорлар ҳудудини ташкил этиш	6 март 2006 й	Ер тузиш ва ер муносабатлари	Б-339 10.00	Давлат тилида
4	Чертовичий Александр Степанович, профессор	Методические основы оценки городских земель.	7 март 2006 й	Геодезия ва ер кадастри	Б-341 12.00	Рус тилида
5	Асрақуллова Васила, катта ўқитувчи	Шахс маънавиятини ривожлантириш омиллари ва воситалари	15 март 2006 й	Гуманитар фанлар	В-514 8.30	Давлат тилида
6	Асамова Раъно Зайнутдиновна, доцент	Темперамент	16 март 2006 й	Педагогика, психология ва ўқитиш методикаси	В-104 10.00	Давлат тилида
7	Сангиров Раъшан, профессор	Ўзбекистонда фуқаро эркинлигини ва фаоллигини таъминлаш ва жамият иқтисодий ҳаётини эркинлаштириш-демократик жамият қуришнинг омиллари.	20 март 2006 й	Гуманитар фанлар	Зал-7 8.30	Давлат тилида
8	Ахмедова Тамара, катта ўқитувчи	Оқова суварининг таркиби ва хусусиятлари	20 март 2006 й	Экология ва сув ресурсларини бошқариш	Г-206 8.30	Давлат тилида
9	Холжамуҳамедова Шоҳида Ибрагимовна, и.ф.н., катта ўқитувчи	Солиқлар ва макрокўтисодий ҳолатларнинг узвий боғлиқлиги	22 март 2006 й	Бухгалтерия ҳисоби ва аудит	Б-225 10.00	Давлат тилида
10	Бегматов Илҳом т.ф.н., доцент	Определение оптимальных параметров горизонтального дренажа	22 март 2006 й	Қишлоқ хўжалиги гидротехника мелиорацияси	Г-511 8.30	Рус тилида
11	Раҳматов Гайрат Аҳмедович, доцент	Ўзбекистон Республикасида аграр муносабатларнинг ҳозирги даврдаги муаммолари	23 март 2006 й	Иқтисодий назария асослари	Б-101 10.00	Давлат тилида
12	Бахриев Шавкат Аслонович, катта ўқитувчи	Сугуртани гуруҳлаш	23 март 2006 й	Бухгалтерия ҳисоби ва аудит	Б-406 8.30	Давлат тилида
13	Шарипов Сайфуддин Раҳимович, катта ўқитувчи	Ер муносабатларини давлат томонидан тартибга солишнинг бозор иқтисоди шаклланиши шартнолдиги ўзига хос хусусиятлари	25 март 2006 й	Ер тузиш ва ер муносабатлари	Б-339 8.30	Давлат тилида
14	Тўхтаева Назира	Ярим ўтказгичли диоднинг	27 март 2006 й	Физика ва кимё	А-115	Давлат тилида
15	Абдуразақова Нафиса Маҳрамовна, доцент	Эффективность использования основных и оборотных фондов предприятия	29 март 2006 й	Сув ҳўжалигини бошқариш ва унинг иқтисодиёти	Б-101 10.00	Рус тилида
16	Аллаева Раиса Раҳимовна, катта ўқитувчи	Модель IS-LM. Общее макроэкономическое равновесие	1 апрел 2006 й	Иқтисодий назария асослари	Б-101 10.00	Давлат тилида
17	Боймуродова Лола Исмомовна, профессор	Ихтиёрй кучлар системаси. Кучни берилган марказга келтириш. Бош вектор, бош момент	3 апрел 2006 й	Назарий ва қурилиш механикаси	Зал-2 8.30	Давлат тилида
18	Бердиев Усан Турдиевич, т. ф.н., доцент	Электр моторлар ва иш механизмларининг механик характеристикалари	4 апрел 2006 й	Сув ҳўжалиги электр техникаси ва уни автоматлаштириш	В-107 10.00	Давлат тилида
19	Музафаров Шавкат, т.ф.н., катта ўқитувчи	Ўта юқори частотали ускуналардаги технологик жараёнлардан фойдаланиш. (электротехнология)	4 апрел 2006 й	Гидромелиоратив тизимларини электр энергияси билан таъминлаш ва уларнинг электр жиҳозларидан фойдаланиш	В-610 10.00	Давлат тилида
20	Обидов Бахтиёр Муҳитдинович, т.ф.н., доцент	Насосларда кавитация ҳодисаси ва насоснинг четарвий сурш баландлигини аниқлаш	5 апрел 2006 й	Сув энергияси ва насос станцияларидан фойдаланиш	Г-104 8.30	Давлат тилида
21	Бобохонов Мирза, доцент	Шарҳ уйғониш даври маданияти	6 апрел 2006 й	Гуманитар фанлар	Зал-7 10.00	Давлат тилида
22	Махмудов Тоҳир Шодмонович, т.ф.н., доцент	Насос станцияларининг сув сарфини ўлчаш	7 апрел 2006 й	Сув энергияси ва насос станцияларидан фойдаланиш	Г-104 8.30	Давлат тилида
23	Тошбоев Абдурахим Жаборович, и.ф.н., доцент	Миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлашда ўрта ва кичик бизнесни ривожлантириш йўллари	10 апрел 2006 й	Иқтисодий назария асослари	Б-101 8.30	Давлат тилида
24	Пўлатов Аскар Пўлатович, и.ф.н., доцент	Асосий воситаларни ҳисобга олиш	10 апрел 2006 й	Бухгалтерия ҳисоби ва аудит	Б-226 10.00	Давлат тилида
25	Муратов Аширбек Раҳимович, т.ф.н., доцент	Ер ишларини бир чўқичли экскаваторлар ёрдамида бажаришни ташкил қилиш ва технологияси	10 апрел 2006 й	Гидромелиоратив ишларини ташкил этиш ва уларнинг технологияси	В-205 8.30	Давлат тилида
26	Сайфутдинов Анатолий Иванович, ф-м.ф.н., доцент	Применение дифференциальных уравнений к решениям некоторых задач гидромеханики, механики и сопротивления материалов	14 апрел 2006 й	Олий математика	Б-229 12.00	Рус тилида
27	Ақбаров Аскар Азларович, т.ф.н., доцент	Сув оқими тезлиги. Сувнинг оқин тезлигини ўлчаш усуллари.	14 апрел 2006 й	Гидрология ва гидрогеология	Г-608 8.30	Давлат тилида
28	Мирзаев Сойибжон	Математическое моделирование	18 апрел 2006 й	Ахборот технологиялари	Б-414	Рус
29	Юсупов Риёс Усманович, т.м.ф.н., доцент	Сугориладиган майдонларда сизот сувлари режимининг хусусиятлари	19 апрел 2006 й	Гидрология ва гидрогеология	Г-601 8.30	Давлат тилида
30	Комилов Қамаритдин, катта ўқитувчи	Спиртлар ва феноллар. Умумий хоссалари.	20 апрел 2006 й	Физика ва кимё	Б-017 10.00	Давлат тилида
31	Шодмонова Гулчехра, доцент	Эконометрик моделлар	21 апрел 2006 й	Ахборот технологиялари	В-414 10.00	Давлат тилида
32	Ҳасанов Бахтиёр Уришович, катта ўқитувчи	Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этилишининг асосий босқичлари	25 апрел 2006 й	Сув ҳўжалигини бошқариш ва унинг иқтисодиёти	Б-101 8.30	Давлат тилида
33	Мусаев Илҳом Мақсулович, т.ф.н., доцент	Картографик гинерализация	25 апрел 2006 й	Геодезия ва ер кадастри	Б-340 8.30	Давлат тилида
34	Рамазонов Обид, к.х.ф.д., профессор	Шўрланган тупроқлар. Тарқалиш ва таснифи	25 апрел 2006 й	Тупроқшунослик ва деҳқончилик	Б-318 8.30	Давлат тилида
35	Мирсаидов Мирзиёв Мирсаидович, т.ф.д., профессор	Текис шаклларнинг геометрик характеристикалари	26 апрел 2006 й	Назарий ва қурилиш механикаси	Г-610 8.30	Давлат тилида
36	Ғофиров Азим Жумаевич, катта ўқитувчи	Қишлоқларнинг чегара чизикларини белгилаш ва ўзгариши	27 апрел 2006 й	Ер тузиш ва ер муносабатлари	Б-339 8.30	Давлат тилида
37	Кучкарова Диларом Файзуллаевна, т.ф.д.	Сонлар билан белгиланган проекциялар. Текисликларнинг берилиши ва ўзаро кесилиши. Топографик сиртлар.	1 май 2006 йил	Чизма-геометрия ва муҳандислик графикаси	Б-406 10.00	Давлат тилида
38	Раҳмонов Қосимжон, и.ф.н., доцент	Геодезия ва картография давлат кадастрини юритиш тартиби	2 май 2006 й	Геодезия ва ер кадастри	Б-339 10.00	Давлат тилида
39	Байзақов Тоҳир т.ф.н., доцент	Нурлатиш қўрсатмаларидан фойдаланиш	3 май 2006 й	Гидромелиоратив тизимларини электр энергияси билан таъминлаш ва уларнинг электр жиҳозларидан фойдаланиш	В-606 8.30	Давлат тилида
40	Баратов Рустам Жалилович, т. ф. н., доцент	Сув ҳўжалигида ишлатиладиган замонавий датчиклар	3 май 2006 й	Сув ҳўжалиги электр техникаси ва уни автоматлаштириш	В-404 8.30	Давлат тилида
41	Мирзаев Абдурахим Гапирович, т.ф.д., доцент	Проектирование гидротехнических сооружений на лесовых грунтах	11 май 2006 й	Гидротехника иншоотлари ва муҳандислик конструкциялари	Г-306 12.00	Рус тилида
42	Дўстмуродов Ғанибой, и.ф.н., доцент	Бизнес-режда таваккалчилик ва уни боқолаш	12 май 2006 й	Сув ҳўжалигини бошқариш ва унинг иқтисодиёти	Б-101 8.30	Давлат тилида
43	Таштанова Маъмура, доцент	Ерузлик интерференцияси	16 май 2006 й	Физика ва кимё	Зал-1 10.00	Давлат тилида
44	Қолеров Одил, т.ф.н., доцент	Комбинациялаштирилган иншоотлар. Уларнинг ўзига хос хусусиятлари	20 май 2006 й	Гидротехника иншоотлари ва муҳандислик конструкциялари	Г-601 10.00	Давлат тилида
45	Тулаганова Маъмура, доцент	Жинойт ҳукуқи ва унинг тарбиявий аҳамияти	20 май 2006 й	Гуманитар фанлар	Зал-1 8.30	Давлат тилида
46	Ишанходжаев Акромхон, катта ўқитувчи	Ўзун қуварларнинг гидравлик ҳисоби	24 май 2006 й	Гидравлика	Г-405 10.00	Давлат тилида
47	Махмудова Муҳаббатхон, к.х.ф.н., доцент	Дон экинларининг аҳамияти ва гуруҳлари. Буғдол ўсимлигининг биологияси, морфологияси ва етиштириш жараёни	24 май 2006 й	Тупроқшунослик ва деҳқончилик	Б-318 8.30	Давлат тилида
48	Алимов Бахтиёр Мелибаевич, т.ф.н., доцент	Анализ и синтез зубчатого планетарного механизма	25 май 2006 й	Конструкциян материаллар технологияси, амалий механика ва стандартлаштириш	В-107 8.30	Рус тилида
49	Каримов Зокир, к.ф.д., профессор	Ерузлик дифракцияси	27 май 2006 й	Физика ва кимё	Зал-1 8.30	Давлат тилида
50	Пўлатова Ҳалима Ашрафова, катта ўқитувчи	Параметры плоскостей откосов.	27 май 2006 й	Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси	Б-406 10.00	Рус тилида
51	Туркменов Ҳасан Ишимович, т.ф.н., доцент	Машиналарни йиғиш технологияси. Йиғиш усуллари.	31 май 2006 й	Конструкциян материаллар технологияси, амалий механика ва стандартлаштириш	В-107 10.00	Давлат тилида
52	Худойберганов Зариб Яғнибоевич, и.ф.н., доцент в.б.	Қишлоқ хўжалигида амалга оширилган таркибий ўзгаришлар мониторинги	6 июн 2006 й	Сув ҳўжалигини бошқариш ва унинг иқтисодиёти	Б-101 10.00	Давлат тилида

Рақамлар салмоғи

Вилоятда 1993 йили фермер хўжаликлари сони 606 та бўлган, уларга ажратилган ер майдони 7945 гектарни ташкил этган. 2005 йил охирида фермер хўжаликлари сони 18907 та, улар ихтиёридаги ер майдони 500 минг гектардан ортиган.

1993-2005 йилларда фермерлар бошқоқ дон етиштирадиган экин майдони 3,9 минг гектардан 145,2 минг гектарга кўпайди. Вилоятда фермерларнинг ялли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришдаги улуши шу даврда 3,7 минг тоннадан 614 минг тоннагача ортиди. Пахтачиликда 1993 йили фермерлар ихтиёрига 42 минг гектар ер ажратилган бўлса, 2005 йилга келиб 137 минг гектарга етди.

2005 йил якуни билан фермерлар 1303 тонна гўшт, 5203 тонна суг, 250 минг тона тухум, 17995 тонна сабзавот, 3440 тонна картошка, 8128 тонна мева, 4576 тонна узум, 12443 тонна полиз маҳсулотлари етиштириб, халқимиз дастурхонига тортиқ этдилар.

Шу йили вилоятда етиштирилган 476,2 минг тонна пахтанинг 82 фоизи, 852,2 минг тонна галла ҳосилининг 72,6 фоизи фермерлар ҳиссасига тўғри келди.

Ҳисобли дўст айрилмас

Утган йили пахтачилик, галлачиликдаги эришган ютуқларимизнинг асосий омили бу — фермерлик ҳаракатида кенг йўл очиб берилгани бўлди. Етиштирилган ҳосилнинг асосий қисми қишлоқ мулкдорлари — фермерларимиз ҳиссасига тўғри келди.

Ерни ҳақиқий эгаларига, у билан тиллаша оладиган, техникани, деҳқончилик сирларини яхши билган деҳқонларга бўлиб берилиши, фермерларга хизмат кўрсатадиган корхоналарнинг бир маромида ишлаши, ўғит, ёқилғи, эҳтиёт қисм вақтида етказиб берилганлиги ҳар қачонгидан мўл, сифатли, таннархи арзон ҳосил етиштириш имконини берди.

Бу йил энди вилоятимизда қишлоқ хўжалиги экин ерлари деярли фермерлар қўлига ўтди.

Лекин, очигини айтганда, беш бармоқ баробар эмас. Ерга эгалик қилаётган янги фермерлар орасида бироз тажрибасизлари ҳам бор. Эндигина тетапоқа қадам ташлаётган фермерларга қишлоқ хўжалиги соҳасида сочи оқарган тажрибали мутахассисларни, умри далада ўтган кекса деҳқонларни бириктириб қўймоқдамиз. Улар вақти-вақти билан фермер даласида бўлиб, ишнинг боришини кузатиб, ўзларининг маслаҳатларини бериб турадилар. Бу ҳам ўзининг яхши натижасини берди. Ахир, қари билганини пари билмас, деб бежиз айтмайдилар.

Шу ўринда юрагим тубидаги бир гапни

МУЛОҲАЗА

айтай: қишлоқ хўжалигида рақамлар кетидан қ у в и ш н и н г оқибати ҳеч қачон яхшиликка олиб келмайди. Бугун "режани фалон фойзга бажардим", деган эскидан қолган, баландларвоз гапларнинг вақти аллақачон ўтган. Бугун ер эгаси — фермер қанча соф фойда олди, меҳнатига яраша манфаатдор бўлди, фермер, унинг қўл остида ишлайдиган деҳқоннинг қора қозонини қайнатишга, орзу-хавасларини ушлатишга етадиган даромад олиндими ўзи ёки йўқми? Мана шу масала, бизнинг назаримизда, биринчи ўринда туриши керак. Бу демак, бугунги фермернинг техника билан тиллаша олиши, деҳқончилик сирларини обдон эгаллаганлиги, бу ҳали масаланинг бир томони, холос. Муҳими, бугунги фермер иқтисодини, хўжалик юртишини яхши эгаллаш билан бўлиши керак. Даласига оз харажат қилиб, кўпроқ фойда олишни урдадай билиши, шунга билими, уқуви етиши керак.

Абдуманнон ПРИМОВ, вилоят ҳоқимлиги агрономат мажмуи котибияти раҳбари.



ФЕРМЕР

Ерни алдаганнинг ўзи алданади

150 гектар еримиз бор. Ҳар йили пахта, галла етиштириш режаларини ошириб бажарамиз. Шунга яраша даромад оламиз.

Даламизга келган муҳбирлар "ширкат вақтида режалар ўлда-жўлда қолиб, фойда ўрнига зарар келтираётган ерлардан қандай қилиб мўл ҳосил оляпсиз? Бунинг сирини нимада?" деб сўраб қолишди. "Бунда сир нима қилсин?" дея жавоб бераман. Ер эгасини топса, ҳалол меҳнат қилинса, суви, ўғити вақтида берилса, нега ер мўл ҳосил бермасин?! Бу замин деганлари сийлагани сийлайди. Ерни алдайман, деганнинг ўзи алданиб қолади.

Битта мисол: Ширкат пайтида ҳам шу далада ишлаганман. Яшириб нетай, алдам-қалдам ишлар, "торт-торт", "бер-бер" деганлари десангиз жуда уруғ қўйиб, болалаб кетганди-да. Биттагина кимёвий ўғитни оладиган бўлсак, хўжалик даласига тушиши керак бўлган ўғит "жонивор"нинг асосий қисми омборнинг ўзидан "ҳал бўлиб" кетарди. "Фалон тонна ўғит ажратилибди", деган гапни эшитардигу, ўзини кўрмасдик. Раис бувалар "фалон тонна маҳаллий ўғит, писмадон тонна "компост" тайёрлаб қўйдик", деб юқорига маълумот беришгани билан ас-

ИЗЛАНИШ

лида бу ишлар қозғолардагина бажариларди, қозғолардагина қоларди. Оқибати эса...

Энди-чи? Шу ер меники, нафақат меники, менинг ортимдан эргашиб, "бир нарсали бўлармиканман" деб иссиқни иссиқ, совуқни совуқ демай меҳнат қилаётган элликдан ошқ қора кўзларники. Шу ердан унса рўзгоримиз бут бўлади, тўй қилариз, уй қураимиз, орзу-хавасларимизга етамиз. Шундай бўлгач, ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб, астойдил меҳор қўйиб ишлаймиз. Кимёвий ўғитларни иложи борида камроқ олиб, кўпроқ маҳаллий ўғит солаимиз. Ширкат вақтидагидек "саккиз марта" эмас, тўрт марта чуқур, сифатли культивация ўтказамиз. Ўз ўзини алдаш орқасидан ҳеч ким наф кўрмаган.

Айни кўнларда қўламги экин мавсумига пухта ҳозирлик кўряпмиз. Фермер дегани тадбиркор, ташаббускор, изланувчан, замонавий билимга эга бўлсагина ўз меҳнат самарасини кўради. Мен дала ишлари билан бир қаторда ишлаб чиқариш ва сервис хизматларини йўлга қўйишдек эзгу ниятларимни амалга оширишга киришганман.

Файрат ПўЛАТОВ, Ғузор туманидаги "Шойимардон бобо Пўлат ўғли" фермер хўжалиги раҳбари.



Бизнинг шарҳ:

Ўтган хўжалик йилида "Шойимардон бобо Пўлат ўғли" фермер хўжалиги давлатга 112,5 тонна ўрнига 306 тонна пахта, 75 тонна ўрнига 101 тонна галла сотиб, шартнома шартларини ошириб бажарди. Харажатлардан ташқари 92 миллион сўм фойда олишга муваффақ бўлди. Тўйларига буюрсин!

Харажат инобатга олинсин

Мамлакатимизда фермерлар сони ортиб, улар қишлоқ хўжалиги соҳасида асосий қўлга айланишда, таъминотчи ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ҳам улар билан ҳисоблашиб иш туттадиган бўлишмоқда.

Зарур бўлса, тузилган икки томонлама шартнома асосида минерал ўғит, ёқилғи-мойлаш материаллари фермернинг даласига етказиб берилмоқда. Тўғриси айтиш керак, авваллари туман марказидаги омборхоналарда минерал ўғит олаш, деб ўч қўлаб овора бўлар эдик. Ёқилғини вақтида ололмай, экинларга ўз вақтида ишлов беролмасдик. Таъминотчи ташкилотлар биз фермерларни назар-писанд қилмас эди. Энди эса аҳоли батамом яхшилик томонга ўзгарди. Кейинги икки йилда минерал ўғит ва ёқилғи етказиб беришда бирор марта ҳам узиллиш бўлмади, десам янглишмаган бўламан. Бу эса бир меъёрга ишлашимизга, экинлардан юқори ҳосил олишимизга имкон берапти. Фермер хўжалигимиз ерла-




МУАММО

ри қўл зонасида жойлашган. Даламизга сув 16 та насос орқали келади. Охириги 16-насосга сарфланадиган электр энергияси харажати мен тўлайман. Экинларнинг вегетация даврида сув қўл сарфланади. Демак, насос учун қўл электр энергияси талаб қилинади. Мен оқар сув билан деҳқончилик қиладиган фермерга нисбатан қўл маблағ сарфлайман. Бу эса етиштирилган ҳосилнинг таннархи юқори бўлишига олиб келади. Шунинг учун даласи насослар орқали сув ичидида фермерларга бироз имтиёз берилса, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Бўри ҚОРИЕВ, фермер, Ғузор тумани.

Янги иш бошлаган, ҳали етарли тажрибага эга бўлмаган фермерлар мендан сўраб қолишди — "Тўра ака бу йил қиш қаттиқ келган бўлса-да, далангиздаги галла майсаларини умуман совуқ урмаган, ривож ҳам бизникидан яхши. Ахир уруғни бер вақтда сочган, меъёридаги минерал ўғитни берган бўлсак".

Тадбиркор тадбир топар



Экинга ишлов беришда фақат минерал ўғитлар билан чекланиб қолмайман. Кўпроқ маҳаллий ўғит билан озиқлантиришга эътибор қаратамиз. Кеч кузда эндигина униб чиққан майсаланинг устига гўнг сочиб чиқдик. Қишда қор тағида қолган ўғит намланиб, ўзидан маълум бир ҳарорат чиқариб, ҳам ўзидан маълум бир экинга озук бўлади, ҳам совуқдан сақлай-

ТАЖРИБА

ди. Бунини қишлоқ хўжалиги соҳасининг мутахассислари ҳам эътироф этишган. Қўлам қўшининг ва ушбу берилган ўғитнинг таъсири билан баҳорда бирданга майсалар авж олади. Албатта, бу олинадиган ҳосилнинг ҳам мўл бўлишига қаролат беради.

Ерни қанчалик парвариш қилсангиз, зироатчиликдаги барча яхши синалган усуллардан фойдалансангиз, замин ҳам ўз эҳсонини деҳқондан аямайди. Халқимиз беҳуда айтмаган: "Эр йигит ерни боқар, ер элни боқар".

Тўра РАҲМОНОВ, фермер, Миришкор тумани.

Соҳиблик ҳисси

—Узоқ йиллардан бери қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаб келаяпман. Биласиз, деҳқонга йил-ўн икки ой тиним йўқ. Экинлардан мўл ҳосил олиб, катта-катта ютуқларга ҳам эришардик.

Лекин яхши ишласак ҳам даромадининг чўғи паст бўларди. Тўғриси, қўлимиз кетмон дастасидан қадоқ бўлса ҳам қосамиз ҳеч оқармасдик.

Фермер бўлган, еримнинг соҳибига айландим. Қўлим пул эурди. Уй қурдик, тўйлар қилдик. Рўзгоримнинг кам-қўсти тўлди. Баъзан ўзимга ишон-



маман. Нахотки мен мулкдор бўлдим: вақти келиб, шу ерни болаларимга мерос қилиб қолдирсам...

Ха, ер меники, фарзандларимники. Демак, менинг бугуним ва келажгим, турмушимнинг фаровонлиги ёки ақси, ҳаётим мазмунининг бир қисми шу ерга, шу заминга, қилаётган меҳнатимга, ерга бўлган муносабатимга боғлиқ. Маълумки, фақат ерга эгалик қилиш билан ҳеч нарсасга эришиб бўлмайди. Меҳнат қилиш керак. Ишлаганда ҳам ишнинг кўзини билиб ишлаш лозим.

Ер билан тиллаша олмайдиган одам деҳқончилик билан шуғулланмагани дуруст. Бир сиким дон, бир қафт пахта етиштириш учун ерга меҳр бермоқ керак.

Бектемир ТўРАЕВ, фермер, Қашқадарё тумани.

Таъминотда ўзилиш бўлмайди

Фермер хўжалиқларининг минерал ўғитларга бўлган эҳтиёжини тўла таъминлаш асосий вазифамиз. Нишон туманида ўғит таъминотида кейинги йилларда танқислик юзага келгани йўқ.

2000 нафардан зиёд фермер хўжалиги туман аграр тармоқнинг етказишга айланди. Фермерлар ҳақиқий маънода ўзини иқтисодий эркин ва мустақил ҳўжа-фатиди ҳис қилмоқ-

ИНФРАТУЗИЛМА

Фермерларга шартнома асосида айтилган муддатда ўғит етказиб беришни зиммамизга олганмиз. Ҳозир Нишонда бирорта фермер ўғит муаммосига дуч келаётгани йўқ. Шу боис бўлса керак, туманда пахтачилик ва галлачиликда эришилган муваффақиятлар қўламини кенгайтиб бормоқда.

Азамат УМАРОВ,

Вилоят "Қишлоқхўжалиқимиз" акциядорлик жамиятининг Нишон тумани филиали директори.

Бизнинг шарҳ:

Бултур туманида экинларни ўз вақтида озиқлантириш учун 19221 тонна азотли, 4068 тонна фосфорли, 420 тонна калийли ўғитлар етказиб берилди. Бундан ташқари, 41 минг тонна компост тайёрлаб, фермерларга сотилди. 2006 йил ҳосили учун шу кеча-қундузда ҳар гектар галлазор 150 килограммдан фосфорли, 100 килограммдан азотли ўғит билан озиқлантирилмоқда.

Фермерлар даласида техникаларнинг бе-тўхтов ишлаши, агротехник тадбирларнинг ўз вақтида амалга оширилиши бизнинг зиммамизга ҳам қўл жиҳатдан боғлиқ. Корхонамиз вилоятнинг Қарши, Косон, Касби, Муборак, Нишон, Миришкор ва Чирокчи туманларидаги 10 минг нафар фермерга шартнома асосида ёқилғи-мойлаш материаллари етказиб беради. Шу мақсадда 104 жойда фермерларга хизмат кўрсатувчи ёқилғи қўйиш шохобчалари ташкил этганмиз. Лекин ҳаёт бут тадбирларимиз етарли эсамизгина кўрсатамиз.

ТАКИФ

Далама-дала юрадиган қўла ёқилғи қўйиш тракторлари сонини ошириш керак. Ана шунда фермер қимматли вақтини йўқотмайди, иши бирмунча енгиллашади.

Қарши нефть базиси бош муҳандиси.

Саҳифани «Қишлоқ ҳаёти» муҳбирлари Б.ЭРҚОРОВ, Ф.БОЗОРОВ тайёрлади.

Сурат муаллифлари Ш.ШАРОПОВ, Ф.КАЛОНОВ.

Символы цен: ▲ — Увеличилась; ▼ — Уменьшилась; ± — не изменилась; 0.0 — на сколько сум

Средневзвешенные цены за неделю для заключения прямых договоров на сайте: UZEX.COM U3PTC5

Ўтган йили Қашқадарё вилоятда етиштирилган 476267 тонна пахтанинг 82 фоизи фермерлар ҳиссасига тўғри келди. Фидойилиги ва ишбилармонлиги билан воҳа иқтисодиётини юксалтиришга салмоқли ҳисса қўшаётган фермерлар катта қўл эканлиги шу мисолда аниқ кўриниб турибди.

Камарбастамиз

Бозор иқтисодиётининг энг муҳим тамойилларидан бири — маҳсулот сифатидир. Хориққа чиқарилган толанинг жаҳон стандарти талабига мос тушаётга-



2006 йили вилоятда 426 минг тонна пахта етиштириш бўйича контрактация шартномалари имзоланди. Қувонарлиси шундаки, бу йил воҳада етиштирилаётган пахтанинг ҳаммасини фермерлар етиштирадидилар. Демак, хом ашёнинг сифат кўрсаткичи ўтган йилдагига нисбатан бирмунча ортишига умид қилса бўлади. Чунки фермерлар сифатли ва толаси пишқик пахта етиштиришдан манфаатдор. Энг муҳими, пахта тозалаш акциядорлик жамиятлари фермерларга ҳар томонлама қўмақдош ва камарбаста бўладилар.

Азамат САИДОВ, "Қашқадарёпахтасаноат" ҳудудий акциядорлик бирлашмаси раиси.

Бизнинг шарҳ:

Бирлашма тизимидаги пахта тозалаш заводлари ўтган йилги ҳосилнинг 80,6 фоизини биринчи навларга қабул қилди. Бугунгача 291951 тонна пахта хом ашёси қайта ишланиб, 99819 тонна сифатли тола ишлаб чиқарилди.

МТП ўзини оқлаяптими?

— 2003 йилда 11 гектар ерни ижарага олиб, фермер хўжалиги тузгандим. Оз ерда деҳқончилик қилишининг ўзига яраша кийинчилик ва муаммолари бор экан.

Уларнинг энг қаттаси — ўз техникамиз йўқ. Олай десак, даромадимиз етмайди. Муқобил машина-трактор парки хизматидан фойдаланишга мажбурмиз. МТПларнинг бизга хизмат кўрсатиш даражаси паст. Техникаларнинг аксарияти алмисоқдан қолган, эски. Таъмирлаш харажатлари биз каби фермерларнинг чўнтагимиздан бўляпти.

Шу боис, харажатларимиз ошиб, пахта, галламиз таннархи қиммат бўлиб кетаяпти. Бизнингча, кичик ерда ишлайдиган фермерларни қўллаб-қувватлаш учун, аввало, муқобил МТПлар техника захирасини мустаҳкамлаш, уларни ҳар жиҳатдан мукамал, иқтисодий бақувват хизмат кўрсатувчи корхонага айлантириш зарур.



Худойназар ҲАЙИТОВ, фермер, Нишон тумани.

Бизнинг шарҳ:

Фермер жуда қўл ҳамкасбларини ўйлантириб турган оғриқли масалани кўтарган. Бу ерда икки томонлама — МТП ва фермер хўжалиги ўртасидаги тузилмадан шартномада ҳар икки томон манфаатлари тўлиқ акс этиши, МТП фермерга сифатли техника хизмати кўрсатишини ўз гардинига олиши зарур. Агарда томонлардан қай бири шартнома шартларини тўлиқ ва сифатли бажара олмаса, шунга яраша иқтисодий чора қўлланилиши лозим.

Қизилқумнинг учи-кеги кўринмайдиган қумликлари, адоқсиз саксовулзориларни макон айлаган элдошларимиз қандай умргуздорлик қилишапти? Яқинда биз асрий саҳродаги чўпон ўтовларида бўлиб, уларнинг нияту мақсадлари билан қизикдик.


Кўз илғамас қум саҳроларида беҳисоб бойлик — олтин яширинган. Саҳронинг бошқа хазиналари ҳам бисёр. Айниқса, бу ерда қоракўлчилик ўз қаддини тиклаб, фойда келтираётган соҳалардан бирига айланиб бормоқда. Айни кунда Навоий вилоятининг Томди, Учқудук, Конимех, Ну-рота туманларида мамлакатимиздаги жами қоракўл қўларининг эллик фоизи боқилмоқда. Эрта кўламда вилоятдаги 33 та ширкат хўжаликларида энг масъулиятли мавсум — кўзилатиш бошланади.

Қоракўл жилоси

Илгари олтинга тенг қоракўл жилоси ташиб кетиларди. Қоракўл жохон бозорида тилло баҳосида сотиларди. Бирок, уларни ўлиб-тирилиб, захмат чекиб етиштирадиган чўпон, унинг юрти — Ўзбекистон бу олтиннинг чагидан ҳам бебаҳра эди.

Хатто қоракўлнинг шерозий-сидан генераллар аломат "кубанка"лар қиярди. Колгания аса "эканда йўқ, ўроқда йўқ — хирмонда ҳозир" бўлган Москвадаги аллақандай идора эгалик қилиб, ўша халқаро аукционга олиб чиқарди. Қоракўл давлат монополиясига айлантириб қўйилгандан, ҳатто уни захмат чекиб етиштирувчи чўпоннинг ўзи, ҳеч бўлмаганда, ундан бирор бош қийим тиктириб қийишга ҳам ҳақли эмасди. Булар ўн беш-йигирма йиллар бурунги гаплар. Хўш, ҳозир миллий бойликлари-миздан бири бўлмиш бу қиммат-баҳо "неъмат"ни қандай тасаруф этмоқдамиз?

— Мустақил мамлакатимизда сердаромад соҳалардан бири — қоракўлчилик раванқ топиб бораётди, — дейди Навоий вилояти "Қоракўл" ишлаб чиқариш акциядорлик бирлашмаси раиси ўринбосари Жумабек Сулейменов. — Чорвадорларимиз, энг ав-



вало, наслчиликка, сифатга, самарадорликка эътибор қаратиб, йилдан-йилга дуруст натижаларни қўлга киритишаётир.

Бугунги кунда мавжуд 33 та ширкат хўжаликларида 900 миң бошга яқин қўй-қўзи, 4357 бош туя, 6493 бош йилки мавжуд. 2005 йилнинг ўзига 400050 бошдан зиёд, яъни 90 фоиз қўзи ўстиришга қолдирилди. Айни паллада энг сифатли қоракўл териларни жохон бозорига чиқариб, ўзбек қоракўли шухратини ошириш мақсадида тер тўкаямиз.

Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 июнда қабул қилинган "Қоракўлчиликда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва уни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ соҳада бир талай ишлар амалга оширилмоқда, — дея сўзига давом этди Жумабек Сулейменов. — Олис яйловларда қўй ортидан юрган чўпон-чўликлари-нинг шарт-шароитларини яхшилаш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Айдарқўлдан қўй сугорган чўпонлар

Машина чўл бағрини ўқдек кесиб ўтган йўлдан манзил томон борапти. Теварак-атрофда бир хил манзара ҳукмрон. Баланд-паст кумтапеликлар... Гоҳи-гоҳида "чўл арчалари" — саксовулзорлар қузга ташланиб қолади. Саҳродаги учи-кеги кўринмайдиган адоқсиз кенгликларга боқиб, кўнгилгизни ажиб бир ҳис камраб олади.

Қўрандан наридаги қудук атрофида бир йигит совликлари сугораяпти. Уюр-юор байхайбат "сахро кемалари" — туялар биз томонга эринчоқлик билан қараган қўйи қавш қайтарлади. Қора ўтовнинг атрофида ёшгина болақай янги туғилган улоқчани қувиб юрди. Хар ўтовда янги-янги манзаралар тақдорланади. Йилнинг эса адоги кўринмайди.

Аслида чўпон учун дунё ана шу қумликлар бағридан бошланади. Ота-боболари мана шу бепоён қумликларда қўй-қўзи боқиб, тирикчилик қилишган, рўзгорини бутлашган. Ҳозирда ҳам уларнинг ишларини муносиб ворислари давом эттиришапти.

Очиғи, Қизилқумнинг беадад кенгликлари кишини ҳайратга солади. Ана шундай таассуротлар

билан Конимех тумани марказидан Айдарқўл томон юз қақиримча йўл юрганимиздан кейин узок-узоклардан "Сарибел" наслчилик хўжалигининг оппоқ уйлари, кигиз ёпилган қора ўтовлари кўринди.

— Замин — сахий. Ёмғир кам ёғса ҳам янтоқ, шувоқ қўқаради. Қимирлаган одам чорвасига емин топиб беради. Бу мавсум ҳаво бизга қарашди. Узок вақт ерда қор турди. Қора совуқ бўлди. Баъзида ҳарорат 30 даражагача етди, — дейди Конимех туманидаги "Сарибел" наслчилик хўжалиги раҳбари Ўрмонбой Кукенов. — Хўжалигимиз чўпон-чўликлари ана шундай аёзли кунлардан совликлари талафотсиз олиб чиқди. Чорвачиликни ривожлантиришга бирмунча имконият бўлган хўжалиқда бугунги кунда 65650 бош қўй-қўзи, 168 бош туя боқилмоқда. 158 миң гектарлик яйловларда 287 нафар чўпон 120 отарда сурув кезади. 45 миң бош қўйнинг қўзилаши қутулмоқда. Бу ерда тўрт ярим миң хонадон, бешта мактаб, 76 та қудук мавжуд. Ўтган йили 11 миң донна сифатли қоракўл тери, 117 тонна жун ишлаб чиқарилди.

Тажрибали чорва билимдони Ўрмонбой оғанинг эътироф этишича, хўжалиқда "Сарибел-Диамет" Россия — Ўзбекистон қўшма қорхонаси ишлаб турибди. Бу

туманидаги "Абай", "Конимех", Нур-отадаги "Қизилча", "Ғазғон", Файзулла Хўжаев хўжаликлари билан чегарадош. Бу ерда оқ саксовул, шувоқ, жузғон, қуёнсуяқ, қаррак, янтоқ ўсимликлари ҳамда тулки, қуён, шоқол, бўри, кийик сингари чўл ҳайвонлари кўплаб учрайди.

Афсона ва ҳақиқат

— Қадимда Қизилқумнинг Қарақата овулида ўзига тўқ, йилкию туясининг сон-саногини йўқ бойбадавлат бир савдогар ўтган экан. У туялари устига зил-зам-

монда ажиб бир таассурот уйғотди.

— Ватанимнинг ҳар бир қаричи ҳам Ватан. Ана шу ўқар табиятдаги Қизилқумнинг кенгликлари, арчазорлар, саксовулзорлари, охири кўринмас яйловлар киндик қонимиз тўкилган манзил, — дея сўзига давом этди Қалбой оға. — Ота-боболаримиз, момо-бибиларимиз қўшиқ ва ўланлар тўқишган. Шу боисдан ҳам анови тепаликлари, кир-адирларни макон тутишган.

— Мустақил мамлакатимизда

сердаромад соҳалардан бири - қоракўлчилик

равнақ топиб бораётди, — дейди Навоий вилояти "Қоракўл" ишлаб чиқариш акциядорлик бирлашмаси раиси ўринбосари Жумабек Сулейменов. — Чорвадорларимиз, энг аввало, наслчиликка, сифатга, самарадорликка эътибор қаратиб, йилдан-йилга дуруст натижаларни қўлга киритишаётир.

боқиб, бу йил ҳар юз бош соғилдан 110 бошдан қўзи оломокчи. Бугун "Қарақата" ширкатида-

нария лабораторияси бошлиғи Низом Исмоилов. — Барча хўжаликларида чорва қора-оқсоқ касаллигига қарши текшириб чиқилди. Бу касаллик кейинги пайтда учрамайди. Шундай бўлса-да, биз чорвадорлар билан парранда гриппининг келиб чиқиш сабаби, унинг олдини олиш масалалари ҳусусида атрофлича суҳбатлашамиз.

Ширкат бош иқтисодчиси Ўролбой Олжонов тақдим этган маълумотларга қўра, авваллари бу ерда наслчилик ишлари анча оқсаган эди. Бу ҳолга кескин баҳам берилди. Самарқанддаги қоракўлчилик ва чўл экологияси институти олимлари билан ҳамкорликда уч йилдан бери наслчилик борасида аниқ ишлар амалга оширилмоқда. Ҳозирда бу ерда бир миң етти юз эрлик олти бош сараланган зотли соғлиқ, миң бош тўқли, уч юз бош қўчқор алоҳида отарларда боқилмоқда. Мақсад — ўстиришга қолдирилган қўзилар ҳисобига қўйлар зотини яхшилаш. Ҳаракатларимиз беиз кетмаёпти. Бу юмушга тажрибали чорва билимдонлари жалб қилинган.

Бугунги кунда ширкатда 4 та мактаб, шифохона, икки ярим миң аҳоли бор. Кичик қорхона ишлаб турибди. Бу ерда бош қийим, ёстиқ, қўрпа ва бошқа маҳсулотлар тайёрланади.

...Чўпон тонгга яқин сурувни отарга ҳайдади. Ҳаммасини бир-бир кўздан кечириб чиқди-да, кўнгли тўлиб, ўйи томон юрди. Яйловнинг яна бир тонги отди. Бундай онлар қонимехлик чўпонлар ҳаётида йил-ўн икки ой давом этаверади.

Саҳро саховати

Чўпонлар орасида бир бахсли масала бор. Қоракўл қўларининг асли арабий қўйлар, дейишади. Арабистондан Қўтайба истилоси



даврида келтирилгану ҳозирги зотга айланганмиш. Ўзбекистон қомусининг 14-жилд, 174-саҳифасида эса мана бу гап бор: "Қоракўл қўй зотини Ўрта Осиё халқлари жайдари қўйларни узок вақт таллаш натижасида қадимда етиштирган". Ҳойнаҳой, шу фикр тўғрисида. Чўнқи қуёш қадимда ҳам Қизилқум заминидан тафту ҳароратини аямган. Бу оташдан жинга-

даврида келтирилгану ҳозирги зотга айланганмиш. Ўзбекистон қомусининг 14-жилд, 174-саҳифасида эса мана бу гап бор: "Қоракўл қўй зотини Ўрта Осиё халқлари жайдари қўйларни узок вақт таллаш натижасида қадимда етиштирган". Ҳойнаҳой, шу фикр тўғрисида. Чўнқи қуёш қадимда ҳам Қизилқум заминидан тафту ҳароратини аямган. Бу оташдан жинга-

лак донга гулли камалакранг қўзита туғилмоғи муқаррардир. — Саховатли Қизилқум саҳроси бағридаги яйловларда минтақамизнинг бошқа жойларида умуман учрамайдиган ноёб қоракўл териси етиштирилади, — дейди Конимех туманидаги "Маданият" ширкат хўжалиғи раиси Хажмуҳам Теммиров. — Оғрофда дур, гаҳвар, ақик ва фирӯзадек товланадиган бу бекиёс хом ашёнинг ҳаридори қўл. Биз асосий эътиборни сурув наслини яхшилаб, сифатли қоракўл тери етиштириб беришга қаратганмиз.

Аҳоли дастурхонини чорва маҳсулотларисиз тасаввур этиш мумкин эмас. Демак, чўлга, чорвага, чўпонга бўлган эҳтиёжнинг қадр-қиймати пасаймади. Шундай экан, чорвачилик шарафини бутун чоралар билан банд қўтариб, ҳалол меҳнат қилаётган чўпон-чўликлар ҳолидан хабар олиб туриш шарт. Бу тамойилга

Қизилқум турфа ранг қўриниши чўл. Бу ерларда саратоннинг оташ иссиғига чидаш, бардош бариш ҳазилкам гап эмас. Қўши эса қўб совуғини эслатади. Бирок табиат бу заминни бошқа томондан ярлаққан. Қўз илғамас қум саҳроларида беҳисоб олтин яширинган. Саҳронинг бошқа хазиналари ҳам сароб. Чўпонлар қоракўл қўйларни ерда думалаб етган олтинлар, деб аташади. Чўлнинг адоқсиз кенгликларида йилнинг тўрт фаслида ҳам сурув қўнғироқлари жаранглаб, акс-садо бериб туради. Чўлу биебонларда ҳаёт қайнайди.

Улугбек ЖУМАЕВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

Водийларни яёв кезганда...



билдай юкларни ортиб, олис-олис юртларга савдо-сотик қилиш учун жўнаб кетар экан.



У савдодан келган даромадидан доимий тарзда етим-есирларга, қам таъминланган оила-ларга улашиб турар экан. Шу боисдан Қўнисбойни эл-улус юрса ҳам, турса ҳам узок-дуо қилар экан. Бир кун Макка шаҳридан

Минг-минг йиллардан бери қўй боқиб, ўтов тикиб келаётган аждодларимиз Қизилқумни ёвдан ҳимоя қилишган. Чорвага масъул шахс ишни қандай бўлмасин олдинга юрғизишни ўйлаши керак. Ана шунда қўзлаган мақсадга эришиш мумкин...

Вилоятда майда шохли туёқли чорва сонини қўпайтиришга жиддий ёндашаётир. Масалан, хўжалик чорвадорларининг сўнгги йиллардаги меҳнат натижалари анча салмоқли. Жумладан, бултур ва бурунги йили давлатга қоракўл тери, гўшт ва жун сотиш шартнома режалари ошириб бажарилиди. Ҳозирда ширкатнинг 380 миң гектар майдонни ташкил этган яйловларида 18 миң бош қўй-қўзи боқил-

ги ўттиз олти отарнинг қай бирига борманг, чўпон-чўликлари ана шундай қувонч оғушида.

Шу маҳал олис-олислардан "тик-тик" деган овоз келди. Ҳамроҳларим "қўй ўрлади", деб ўрниларидан салчиб туришди. Улар билан кенгликлар бағрида ҳайр-хўшлашдик. Сурув қўнғироғи эса қулоққа хуш ёқарди...

Яйловда тонг отди

Бу йил Конимех туманидаги Жондилла Бўқаев раислик қилаётган "Конимех" ширкат хўжалиғи чўпон-чўликлари қирқ уч миңг тўрт юз бош қўй-қўзи, бир юз эрлик бош йилки, олти миң етти бош туя ўстираяпти. Икки ойдан сўнг йигирма тўрт миң тўққиз юз бош қўзи ўстиришга қолдирилади.

— "Чорванига қирқ йилда", деган жўяли гап бор, — дейди хўжалик бош чорвашуноси Аскар оға Қалминов. — Чорвада йўқотганини қирқ йил ўтиб ҳам топа оласан, дегани бу! Бирок қўтишни узокқа чўзмаган кишининг, ишлаганини оёғи остидан барака қўқараверади.

— Сурув серўт яйловларда қанча яйратиб боқилса, йўл босса, шунча яхши! Бу — меҳнатнинг қўп заҳматларини тўтган тажрибали бош чўпон Увоқ оға Қувватовнинг ақидаси. Бу фалсафада умр силсиласининг мушоҳадасио ҳикмати ҳам, чўпон-чўликларга ибрат бўладиган ҳаётий теран тажриба

моқда. Баҳорда 11 миң бош соғилдан қўзилаши қутулмоқда. 75 фоиз қўзи ўстиришга қолдирилади.

33 та отарда оилавий пудрат асосида иш юритилмоқда. 2554 донна қоракўл тери, 27 тонна жун ишлаб чиқарилди. Ширкатда ҳозирда 6 та мактаб, 1 та коллеж, шифохона, 680 хонадон бор. "Ҳомийлар ва шифокорлар йили"га дастур тўзилди.

Хўжалик ҳар йили мактаб, шифохонани ўз маблагини ҳисобидан тўлиқ таъмирлаб бераёпти. Спорт анжомлари тарқатади. Янги йилнинг ўзига ҳам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар ҳолидан мунтазам хабар олиб турилибди. Бунга хўжалик 1 миллион сўм маблаг сарфлади. Қизилқум фосфорит заводи ҳамда Белтов олтин қонига қўллаб ёш йигит-қизлар ишга жойлаштиради.

Бундан ташқари, қўллаб ёшлар Зарафшон шаҳридаги замонавий коллежларда тахсил олишмоқда. Қалбай Бойишов раислик қилаётган Конимех туманидаги "Қарақата" ширкат хўжалиғида Нурғали Сулейменов, Мирзо Сулейменов, Қелимжон Сарсонова ўхшаган чорва жонқуярлари кўп экан. Шулардан бири бош чўпон, чорва билимдони Мирзо оға Сулейменов бўлиб чиқди.

У оиласи ва фарзандлари билан 400 бошдан ортиқ қўй

юртига қайтаётган қарвонга бир гала қароқчилар ҳужум қилибди. Ўртада аёвсиз жанг бўлиб ўтибди. Икки томондан ҳам кўллаб одам нобуд бўлибди. Қарвондаги савдогарларга бас кела олмаслигига қўзи етган қароқчилар бошлиғи чекинишга мажбур бўлибди. Душман ўқидан яраланиб, нобуд бўлган туянинг бўталогини шу ерга дафн қилишибди. Натижада бу ерда дўппайиб турган қабр пайдо бўлибди.

Вақт зиқ бўлганлиги туфайли қарвон ахли йўлга тушибди. Ўз юрларига эсон-омон етиб бориб, туяларга ортилган матоларни сотиб, катта фойда қўришибди. Бироз дам олишиб, савдогар бошчилигида яна йўлга тушибди. Йўл юриб, яна ўша қароқчилар билан жанг қилган манзилига яқинлашибди. Шу пайт қарвон ахли қалбини ларзага солган бир таъсири воқеа рўй берибди. Ўз бўталогидан айрилган она туя дўппайиб турган қабр тепасида узок вақт бўкириб бўзлабди. Унинг яқинига қароқчилар ҳеч қимнинг юраги дов бәрмабди. Бу воқеадан таъсирланган савдогар туяни озод қилиб юборган экан.

Конимех туманидаги "Қарақата" ширкат хўжалиғи раҳбари Қалбой оға Бойишов сўзлаб берган ҳикоя

дан. Улар узок йиллардан бери хўжаликнинг Сарибел, Прики, Қонсар, Янгиказғон, Тогоймурод яйловларида заҳмат чекишади. Ўтган йили чорвадор Мирзабек Ирисбеков "Дўстлик" ордени билан тақдирланди.

— Чўпонлик менга ота-бобомдан мерос бўлиб келаётган касб, — дея суҳбатга қўшилди бош чўпон Минглибой Ирисбеков. — Шу сабабдан бу ерга ўрганиб қолганман, менга саҳро қадри. Шаҳарга тушсам, сиқилиб кетавераман. Бу мавсумда 491 бош қўйни аёзли, қора совуқ кунлардан беталафот олиб чиқдим. Ниятим, эл-юрт маъмуричилигига ҳисса қўйиш.

— Қоракўлчилик хўжаликлари ҳам имтиёзли кредит бериб, нур устига аъло нур бўлар эди, — дея суҳбатга қўшилди хўжалик бош иқтисодчиси Серикбой оға Шўяебаев. — Сабаби, хўжалиқда умргуздорлик қилаётган аҳоли киш вақтида шахсий моллари учун зарур бўлган нарсаларни сотиб оларди. Яна бир гап. Хўжалик чорваси қудуқлардан суя ичади. Қудуқлар эса анча эскириб, суви тортилган. Қудуқлар учун зид моторлари зарур. Борларини ҳам қайта таъмирлаш керак.

Хўжалик Томди туманидаги "Оёққудук", "Бирлик", Конимех



Мангу ҳаёт баҳори

Зулфияхоним шеърини доимо кўнгилларда баҳор илҳами, ҳаёт завқини уйғотади. Зулфия опа баҳорнинг илк кунинда таваллуд топган.

1 март – юртимизга уйғонмиш фасли кириб келган кун. Ҳар баҳор бу кутлуг сана севимли шоирамиз ёди – унинг шеърини бўстони билан бошлангандай туюлади. Зулфия опанинг номи ҳаёт боғларида биз билан бирга эканини ҳис қиламиз. Унинг нузли сатрлари ҳар фаслда қалбимизга гуллар ифторини олиб киради, бу шеърини бўстони ана шундай мангу ҳаёт баҳорига айланган.

Зулфия

Бу оқшом

Бу оқшом пориллар дил нурингизда, Дийдор бахти насиб яна сиз билан. Турибман, азизлар, ҳузурингизда Ҳамон ўтлуг кўнгил, ёруғ юз билан.

Ҳамон мулкимдаги сийму зарим шеър, Соҳимда, неҳрамад йиллардан нишон. Саҳдағоҳим танҳо Ватан, Она ер, Орзуларим қарвон, сарбоним ишон!

Ҳамон отам-онам икки жаҳоним, Азиз ёди аро шикаста, бутман. Ишқим – алангадир, қордир ҳижроним, Саксон йил ловуллаб сўнмаган ўтман.

Иккита кўзимга икки қорачиқ, Мунисам Хулқарим, алиим Омоним. Ширин набиралар толедан тортиғ, Ҳар бирин жонига пайвандир жоним.

Номлари, ёдлари пайғамбар монанд, Ҳазрат устозларим, теран илдизлар. Мен ундан жон олиб кўрган дарак, Меваси – қалбимда етилган сўзлар...

Ҳикматлар баҳрида дур, марваридим, Аждодларим – менга ифтихор, ғурур. Шу мавжлардан томган нуқра умидим, Шоира қизларим бахш этган сурур.

Бу назм боғига қиролмас ҳазон, Бизни маҳв этолмас завоқ лашқари. Мен кетсам мунгаймас ўрим ҳеч қачон, Бу боғлар... Бир боғлар бўлади ҳали...

Ҳамон эътиқодим ҳақиқат, ҳақдир, Сўзлайман юзимни тутиб Қазбага. Емира олмади ўткинчи тақдир, Осула ўтади руҳим абадга.

Эъозлар, ардоғлар учун ташаккур, Асли сиз офтобим, мен зиёсиман. Тонларингиз кулсин дорилмоним, ҳур, Бахтим шул – Ўзбекининг ЗУЛФИЯСИМАН.

1995 йил, май.

Нафс балоси

ёмондир...

Самарқанд шаҳридаги "Тумарис" меҳмонхонасида ОИТС ва ОИВ муаммолари ва унинг олдини олишга бағишланган ўқув-семинари бўлиб ўтди. Унда инсониятни аср вабосидан қутқариш учун ёшларни маънан барқарор, жишмонан бақувват ва ақлан етук қилиб тарбиялаш йўл-

Самарқанд томонларда

йўриқлари ҳақида фикр алмашилди, баҳо-мунозара юритилди.

"Қари билганим..."

Самарқанд педагогика коллежиди "Нуроний" жағмармаси вилоят бўлими фаолиятининг талабалар билан учрашуви бўлиб ўтди. Унда кекса отахон ва онахонлар талаба-

лар ҳаёти, коллежда ўқитиш ишлари билан яқиндан танишди. Шунингдек, жойларда касб-хунар коллежлари, лицейлари билан боғлиқ долзарб муаммолар, амалда оширилиши лозим бўлган масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

Мамадйёр ЗИЕДИНОВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

Чорбоғ тўридаги саҳни кенг ҳовлида ҳангомамиз кўр олди. Анча сўзамол, лекин фикрлари тиник Муфтилло ака гап мавзусини ўттириш воқеалардан бошлади.

–Раҳматли падарим Эшонни судир боғида боғбонлик қилар эдилар, – дея лўлаболлишни бикинига қўйди. –У кишига Шокир амаки кўмаклашарди. Ушанда мен ўн ўн ёшда эдим. Дарахтзор теграсида био-чел тарик ҳақлан бўлиб, унга яқин жойда ҳар тонг бу икки инсон бедана ови билан машғул бўлишарди.

Ушанда мен ҳам бедана овиға қизиқиб, бу дилбар, сайроқи қушни ушлашга киришдим. Ерга тўр ташла-ниб, унинг уч томонига кесак ботирилиб, бир томонни очик қўйиларди. Ерга қўйилган баланд ҳаҷдада қафасдаги беданалар сайради. Улар шайдои бўлиб сайради. Тарикзордаги беданалар тўр томон сайрай-сайрай борарди. Беданалар тўр остона-нигача бориб, кел-е, ичкарига қирай-лик-чи, бу ерда нима гап экан, қаби-лида иш тутиб, ўзларини банди этар-ди.

...Даштдан келтирилган ёввойи бедана кўлга қандай ўргатилди? – сўраймиз.

–Уч-тўрт кун кўлда олиб юрилади, –дейди Муфтилло ака, – бундай пайт-да қадт терлайди. Кўш эса ундан баҳ-ра олади. Оч қолган тақдирда унга тарик берилди. Кейинчалик туйил-ган ёнғоқ мағзи, ун, туҳум аралашти-рилиб қайнатилди ҳамда наволла



Бедана ишқи



тайёрланиб, кичик-кичик бўлақларга бўлиб, қафас қосасига ташланади.

–Нима учун?

–Бундай иш тутиш беданага куч бағишлайди. Уни қувватлантиради.

Бир муддат ўтар-ўтмас Муфтилло ака сўзини давом эттирди.

–Бедананинг эври бўлади. Юста-дан биттаси меъерига етказиб сай-райди.

Ёз оқшомларининг бирида Фарғо-надан келган икки ишқивоз Муфтил-ло акадан иккита сайроқи беданаси-ни сотишни сўраган.

–Овлаб ушлаб бераман, пулсиз, лекин қафасдагини эмас, – деган.

Бедана тариклош, бўғдошзор, бе-дапоярларда яшайди ва завок билан сайрайди.

–Бедазорда ўнга сайрайган беда-на тўрға тулса, улардан фақат битта-сини танлаб оламан, қолганини қўйиб юбораман, – дейди у.

Нурота чойхонаси оқсидида те-ракзорда бедана бозори бўлиб, бу ерда бедана уриштириш ҳар ҳафтада ўтказилиб келинган. Бу томошалар-да 250-300 киши қатнашган. Беда-

налар тўрт бардордан ўн икки бар-доргача урушган. Бу қўшлар жанги-ни томоша қилиш учун Ёғдудов, Са-марқанд, Фарғонадан келган ишқи-бозлар бедана уришини кўриб,

зи жозибали жаранглайди.

Муфтилло ака билан дарахтзор бўйлаб юрдик. Бу камсукум инсон, мана, ўн икки йилдириқ, нафақада. У беданалар дунёсига қадам қўйганига 58 йил бўлди.

–Беданани кўклар ва қузда овлай-ман. Ховлим шаҳар чеккасида бўлга-ни учунми бугун, – деди у, –бу йил-ги жўжалардан учтаси учиб қафас-даги беданалар билан басма-басга сайради.

У олма дарахтига суяниб турдию бир воқеани айтиб берди.

–Қайси кун "чуруқ-чуруқ" этиб урғочи бедана келди. Бунинг овози-ни эшитган қафасдаги қуш бир мар-та ўрнига юз марта шайдулла бўлиб сайради-я...

Бедана билан гаплашиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Бу қўшга меҳ-ри баланд Муфтилло Эзқиров ўзга йиллик ишқибозлиги жаравида бир марта бедана сотган ҳам, сотиб олган ҳам эмас. У тўрға тушган бедана га-ласидан қўнғилга ёққанидан бир-икки-тасини оладия қолганини даштга қўйиб юборди.

Онажоним-табиат!

зўрларини харид қилганлар.

Кори Аъло деган машхур киши ўтган экан. Унинг чордасида ўнга яқин сайроқи бедана қафасда сақла-ниб келинган. Азон пайти атрофда-ги ётти мағалла бу жозибадор овоз-дан завок билан уйғониб, ишга кири-шиб кетаркан.

...Беданани озиклантириш учун сув ва наволла ҳар кун бериб тури-лади. Ҳар уч кунда бир қафт тарик қафас ичига сепилади. Ҳафтасига бир марта рек, қум, чағилин элаб, сўнгра бедана унга бир соат қўйиб юбори-лади. Бу беозор қуш ўзи зерикани-ча тулпроққа чўмилиди. Бу жарав-нин унинг танасига куч, беғуборлик, поклик инъом этади ва бедана ово-



Артурнинг ғалабаси

Украина пойтахти Киев шаҳрида эр-кин курашчилар ўртасида халқаро тур-нир ўтказилди.



Дунёнинг машхур полвонларини жам-лаган мажмур нуфуз-ли мусобақада етти ва-зн тоифасида голиблар аниқлан-ди. Эътиборлиси, ҳамюртларимиздан икки нафари ўз ва-зн тоифасида дунёда тенгсиз эр-кин курашчилардан эканлигини Киев гилламлирида ис-бот-лай олишди. 74 ки-лограммга спорт-чилар беллашува-рида иштирок этган Сослан Тигиев барча ра-қибларидан устун келди. 2004 йилда Афина Олимпиадасида иштирок этиб, олтин медал-ни қўлга қиритган Артур Таймазов (120 ки-лограммгача ва-зн тоифаси) орадан икки йил ўтган бўлса-да, ўз ва-зн тоифасида энгилмас курашчи эканлигини намоён қилди.

Мусобақани давом эттиради

АҚШнинг Мемфис шаҳрида аёллар ўртасида халқаро турнир бошланди.



Мукофот жағмармаси 170 минг АҚШ дол-ларини ташкил қилган мусобақада ҳамюрт-миз Варвара Лепченко ҳам иштирок этмок-да. Турнирнинг ақалик бахслари биринчи учрашувида вакилимиз хитойлик ракетка устаси Мен Юанга қарши қорғта қикди ва 6:3, 6:4 ҳисобларида имкониятни бой бер-ди. Лекин жуфтлик бахсларида россиялик Татьяна Панова билан бирга Варвара Перя-ну-Дюбуа (Руминия-Канада) жуфтликдан ус-тун келишди.

Лепченко-Панова жуфтлиги кейинги босқичда мусобақани давом эттиради.

Натижа ёмон эмас

Италияда футбол бўйча "Карнава-ле кубоги" бахслари давом этмокда.



Ушбу аъна-навий турнир 1949 йил таш-кил этилган ва унда бутун дунёдан клублар иштирок эти-шади. 20 йилгача бўлган футболчилар-нинг ушбу му-собақасида бу йил ўн олти давлатнинг 48 та клуби голиб-лик учун курашга киришганди. Улар ичида Ташкентнинг "Пахтакор" клуби ҳам олтинчи гуруҳдан жой олганди ва "Ливорно", "Моде-на" (иқкаласи ҳам Италия) ҳамда "Нафтекс Поморье" (Болгария) клубларига қарши тўп суриб, уч рақибини ҳам 1:0 ҳисобида доғда қолдириб, нимчорак финал иштирокчисига айланди.

1/8 финалда эса вакилларимиз Итали-янинг яна бир клуби "Сиенага" қарши май-донга чиқишди. Бу ўйин ҳам 1:0 ҳисобида аяқланди, фақат ғалаба мезбонлар томо-нида бўлди.

Бу натижани ўтган йилгига солиштирсак,

–Нега бундай қиласиз? – деб хай-ратландик.

–Бировга берганингиз яхши чиқиб қолса, у бермайди. Ҳатто пулга ҳам, – дейди суҳбатдошим.

Қуш ҳислатлари ҳақида сўрадим. –Дона эмас, лақмарок десамми-кан, шунга ўхшашироқ. Ов жараёнида устига бориб қолсангиз ҳам уни тул-роқ рангига ўхшаш патларидан илға-б бўлмайди. Бир жарангдор овозли беданани уч кун бир жойда изладик, қани энди у ўзини тўрға урса, йўқ урмади, – дейди қулиб.

Жамол деҳқон дўстига хабар бер-ди. Бедана ишқи шунчаликки, Муф-тилло ака унинг изидан бир ой қува-ди. Тўтқич бермай Марғ, Қўнчи, Қу-вондик, Мастон қоризларида учиб юрди. Охири бу гўзал қуш икки ча-қиримга тўхтамай ўчди. Ишқибозлар ҳам янтоқзорлар оралиб олма-из юришди. Бедапош, Қушнинг бетиним сайраши қўнғилларга ором берарди. Нихот беданага санокли қадам қол-ди. Тўр унинг устига отиб юборилди. Қуш ўзини унга урди. Ҳозир бу бе-дана ҳам ягона.

Бедана ва бедана ишқи. Бу заҳмат-ли, завқли ва нозик ишда эзлик сак-ки йил ишқибоз бўлиб яшаш осон-ми?! Буни тўғри сўз, ҳалол инсон Муфтилло акадан сўраб, унинг бу жа-равандаги саргузаштларидан баъзилар-ини қўғозга қораладик.


Ҳамдам ЭШОНКУЛОВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

ёш пахтакорчиларнинг олдинга силжигани-га гувоҳ бўламиз.

Олдинги йилги вакилларимиз "Бенеვენ-то", "Торино" (Италия) ва "Гроссхеперс" (Швейцария) клублари билан бир гуруҳдан жой олиб, икки ўйинда имкониятни бой бер-ганди. "Бенеვენто" билан дуранг ўйнаган "Пахтакор" мусобақани гуруҳ беллашува-ридан тарқ этганди.

Дубайда Арденн голиб

Дунёнинг кучли ракетка соҳибалари иштирок этган Дубай WTA турнири яку-нига етди.




Финалда белгиялик Жюстин Энен-Арденнга қарши баҳс олиб борган Мария Шарапова рақибасига 7:5, 6:2 ҳисобларида имконият-ни бой берди.

–Биз жуда яхши ўйин намойиш этдик, деб ўйлайман, – дейди Энен Арденн. – Лекин Мария кучли босим остида ҳаракат қилди ва устунлиқни осонгина топшириб қўйди.

–Мен бу ҳафтада аъло даражада ўйнадим. Финалдан олдин бир кунда иккита ўйин ўтказ-гандим ва кўп куч сарфлагандим, – деб айтиб ўтган Мария Шарапова.

Кубок "қизил иблислар"да

Яқшанба кун Уэльс пойтахти Кар-диффа Англия футбол лигаси кубоги голиби аниқланди. "Манчестер Юнайт-ед" ва "Уиган" клублари ўртасида ўтган финал ўйини 4:0 ҳисобида "қизил иблислар" фойдасига ҳал бўлди.



Учрашувнинг асосий қисмида устунлиқни ўзига сақлаган "Манчестер Юнайтед"нинг би-ринчи голи Уэйн Руни ҳисобига ёзилди. Танаффусдан сўнг эса тўп уриш навбати Луи Саага келди ва у орадаги фарқни иккитгага ошира олди. "Уиган" ҳимоячиси Стефан Ан-шон хатосидан фойдаланган португалиялик Кристиану Роналду ҳам майдонни голсиз тарқ этмади. Биринчи гол муаллифи Уэйн Руни эса тўртинчи тўпни қиритиб, аяқуний ҳисобни ўрнатди. Эслатиб ўтамик, "Манчест-тер Юнайтед" ушбу совринни сўнгги бор 1992 йил қўлга қиритганди.

Ф.АБИЛОВ тайёрлади.

Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги жамоаси Ер-ларни мелiorациялаш бошқармаси бошлиғи ўрин-босари Шавкат Примовга отаси – Ўзбекистон Рес-публикаси сув ҳўжалиги аълочиси, Қорақалпоғистон-да хизмат кўрсатган муҳандис

Олимбой ПРИМОВнинг вафоти муносабати билан чўқур ҳамдардлик билди-ради.


Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги жамоаси хиз-мат кўрсатиш бўлими бошлиғи ўринбосари Исомид-дин Умаровга отаси

Худойназар УМАРОВнинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

КОРХОНА, ТАШКИЛОТ, ШИРКАТ ВА ФЕРМЕР ХўЖАЛИКЛАРИ РАҚИБЛАРИ, ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Россия Федерацияси "ГАЗ" марказининг ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЭКСКЛЮЗИВ ДИСТРИБЬЮТЕРИ - AVTODOM plus компанияси

Ҳақ тўлаш – исталган усулда!



"ГАЗ-3309" (турбодизель) русумли автомашинига 4,5 тонна юк ортқилади.

"ГАЗ-330232-Фермер" русумли автомашини 6 ўрнили бўлиб, 1,5 тонна юк қўтарали.

КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГ АСОСИДА СОТИБ ОЛИШ ҲАМ МУМКИН!

Манзил: Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 16- уй.

Тел.: (998-71) 132-10-35; 132-12-01; 132-03-62; 126-12-94.



Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек туманидаги 222-мактаб томонидан 1993 йили Мирсаито-ва Нодира Мирсидикова номига берилган АУ №307693 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Чилонзор тумани ИИБ томонидан 2001 йили "G'OFUR-AUDIT" хусусий аудиторлик фирмасига берилган думалоқ муҳр ("D") ва бурчак штампга йўқолганлиги са-бабли бекор қилинади.

Бош муҳаррир

Ўтқир РАҲМАТ

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Агротранспорт комплекс таркибидидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар

ТЕЛЕФОНЛАР:

Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 136-58-83, 136-56-25, Котибият – 133-95-17, Реклама ва эълонлар – 133-44-43, 136-54-44, 133-28-04, Факс – 133-44-43, 133-40-87

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси – 8-361-58-512-17; 8-361-22-35-753; Андижон – 8-374-22-234-08; Бухоро – 8-365-22-644-61; Жиззах – 8-372-22-606-34; Наманган – 8-369-41-234-23; Фарғона – 8-373-61-221-97; Самарқанд – 8-366-2-33-70-57; Сурхондарё – 8-376-46-526-61; Сирдарё – 8-367-37-23-813; Тошкент – 8-371-136-56-21; Хоразм – 8-362-22-623-50; Қашқадарё – 8-375-22-517-65.

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жауобгар

© -тикорат мақола

"Қишлоқ ҳаёти" материалларини кўчириб босиш фақат тахририят рухсати билан амалга оширилади.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Навбатчи: Қ. НОРҚОБИЛОВ Саҳифаловчилар: Р. ЁДГОВ, А. САФОНОВ Бош мусоҳҳи: Х. ТОШХУҲАЕВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2003 йил 20 ноябрда № 050 - рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба ("Ҳаёт"-илова), жума кунлари чиқади.

Буюртма Г-417, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қозғоқ бичими А-2.

Босишга топшириш вақти: 21.00. Босишга топширилди: 21.00. Адади - 17696

Газета тахририятнинг ўзига компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

1 2 3 5 6